



БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ УЛАРНИНГ СИФАТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
13 февраль куни Венгриянинг энг йирик “ОТР” банки
бошқаруви раиси Шандор Чаньини қабул қилди.



Учрашувда банк-молия соҳасидаги, шу жумладан, “ОТР” гуруҳига давлатнинг “Ипотека-банк”даги улушини сотиш бўйича битим доирасидаги ҳамкорликнинг ижобий суръати мамнуният билан қайд этилди. Давлатимиз раҳбари банк хизматларини рақамлаштириш орқали уларнинг сифатини ошириш, кичик ва оилавий бизнес учун инновацион ва ҳамёнбоп молиявий маҳсулотларни жорий қилиш, ходимларни Европанинг энг намунали амалиётларига ўқитиш муҳимлигини таъкидлади.

Венгриянинг етакчи компаниялари билан, шу жумладан, Тошкент вилоятида улар учун ташкил этилаётган махсус иқтисодий зона негизига қишлоқ хўжалиги, виночилик, ирригация, кимё, фармацевтика ва саноатнинг бошқа тармоқларида кооперацияни янада чуқурлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Шандор Чаньини, ўз навбатида, Венгрия бизнеси мамлакатимиз бозоридagi фаолиятини жадал кенгайтиришга тайёрлигини тасдиқлади. Учрашув якунида “ОТР” банки бошқаруви раиси унинг фаолиятига берилган юксак этироф ҳамда ўзига давлат мукофоти — “Дўстлик” ордени топширилгани учун Ўзбекистон етакчисига чуқур миннатдорлик билдирди.

ЎЗА

Буюк ўзбек йўли

ТАДБИРКОР МАЪНАВИЯТИ янги давр талабларига жавоб беряптими?

(Иккинчи мақола)

Ўзбекистонда узок йиллар “Давлат — жамият — инсон” тамойилига амал қилиб келинди. Ушбу тамойил ўз ижтимоий-фалсафий моҳиятига кўра, инсонни давлат ва жамиятдан бегоналаштиради, маънавиятини хиралаштиради, уни сиёсий ва иқтисодий механизмнинг арзимас бўлаги, оддий элементи айлантиради.



Президентимиз “Бу сиёсат бир йил билан чекланиб қолмаслиги, доимо бардавом бўлиши барчамизга аён. Аслида ҳам, бизнинг энг бебаҳо бойлигимиз, бу

— бунёдкор халқимиз, дуоғўй ота-оналаримиз, навқирон авлодимиз эмасми? Шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг тинч ва бахтли ҳаёт кечириши,

унинг соғлиги жойида бўлиши, яхши таълим олиши, оиласини тебратиши учун қандай шароит керак бўлса, ҳаммасини яратиб беришга ҳаракат қилишимиз ва бу йўлдан асло тўхтамаймиз,” дея алоҳида таъкидлагани эса, мазкур йўналишдаги тадбирчиликнинг яққол ифодасидир.

ТАДБИРКОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Алоҳида таъкидлаш жоизки, “Давлат — жамият — инсон” тамойилининг “Инсон — жамият — давлат” тамойилига ўзгартрилиши ва шахс омилининг биринчи ўринга чиқарилиши барча соҳалар ва долзарб масалаларда нафақат давлат ва жамият масъуллигини, айти пайтда инсоннинг ҳам масъулиятдан холи бўлмаслигини англатади. Яъни давлат органлари, вазирлик ва идоралар фаолиятдан қатъи назар, ушбу йўналишдаги маънавий муҳит ва ижтимоий макон қиёфасини тадбиркор ҳамда мулкдорларнинг шахсий хислати, қасбларига, ҳаётий позицияси, ишга ва касбига муносабати, виждони, масъулият ҳисси ҳам кўп жиҳатдан белгилайди.

► Давоми 3-бетда

Қишлоқ хўжалиги

БИЗНИ СИНОВЛАРДАН НИМА КЎТҚАРАДИ?

БУГУН ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯ
ҲАР ҚАЧОНГИДАН АҲАМИЯТЛИ БЎЛИБ БОРМОҚДА

Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби кўплаб аждодларимиз жаҳон тамаддуни ва илм-фан ютуқларига жуда катта ҳисса қўшгани шу Ватан, шу юрт фарзанди сифатида ҳар биримизнинг қалбимизда чексиз фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.

Муҳими шундаки, генимизда яратувчанлик, меҳнатдан қочмаслик, изланишдек хислатлар мужассам. Шу маънода, жадаллашиб бораётган ҳозирги техника асрида

илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этган, ўз илми ва тажрибасига ишонган миллатгина дунё сиёсатида, сайёрамиздаги глобал муаммолар қаршисида

барқарор тура олади, десак ҳеч муболага бўлмайд.

Айни пайтда эса Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш жараёни кечмоқда, жамиятимиз туб бурилиш арафасида турибди. Бу, албатта, давлатимиз раҳбари бошчилигида илгари сурилаётган ташаббуслар самарасидир. Бугунги геосиёсий беқарор вазиятда ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган синовлардан эса бизни қақатгина

илм-фан ва ҳар бир соҳага инновацион ёндашувлар олиб чиқади.

Ҳозир дунё нуфуси 8 миллиардга яқинлашиб қолди. Шу жумладан, мамлакатимизда ҳам аҳолининг демографик ўсиш даражаси йилдан-йилга ортиб борапти. Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг маълумотларига кўра, 2030 йилга бориб, юртимиз аҳолиси 41 миллиондан ошади. Албатта, бу эътиборга молик жиҳат. Чунки ўсиш, ўз навбатида, озиқ-овқатга эҳтиёжни ҳам кўпайтиради.

► Давоми 4-бетда

ЖОРИЙ ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СТРАТЕГИК ИСЛОҲОТЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 февраль куни
жорий йилда амалга ошириш мўлжалланган
асосий стратегик ислоҳотлар бўйича тақдимот
билан танишди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида 2030 йилга бориб, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 160 миллиард долларга, аҳоли жон бошига даромадни 4 минг долларга етказиб, бу борада ўртачадан юқори давлатлар қаторига кириш мақсади белгиланган. Бунинг учун иқтисодиётда трансформация жараёнларини изчил давом эттириш, инвестиция ва бизнес муҳитини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалигида юқори қўшилган қийматни таъминлаш зарур.

Тақдимотда шу борадаги 5 та муҳим соҳа — транспорт, урбанизация ва шаҳарсозлик, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги ва энергетикадаги ислоҳотлар кўриб чиқилди.

Иқтисодиёт ривожини учун бош омиллардан бири бу — транспорт имкониятлари. Мамлакатимиз денгиз йўлларида узоклиги сабабли авиа ва темир йўллари диверсификация қилишга уруғ берилмоқда. Ўтган йили 6 та авиакомпания ташкил қилинди, 28 та янги самолёт олиб келинди. Самарқанд халқаро аэропортига хусусий сектор жалб этилди.

Бу ишларни давом эттириб, “Uzbekistan Airports” ва “Uzbekistan Airways” компаниялари трансформациясини жадаллаштириш, аэропортлар бошқарувини хусусий секторга беришни кенгайтириш зарур.

Хўудларда молиявий хизматлар, электрон тижорат, масофавий таълим ва тиббиёт хизматлари ривожланиши учун сифатли интернет ҳам муҳим.

Келуси етти йилда юртимизда аҳолиси 300 мингдан кўп бўлган шаҳар ва туманлар сони ҳозирги 13 тадан 28 тага етади. Айрим шаҳар ва шаҳарчаларнинг бош режалари йўқлиги сабабли фақат энгига кенгаймоқда. Бу инфратузилма харажатлари ошишига ва қишлоқ хўжалиги ерлари камайишига олиб келмоқда. Шу боис, урбанизация жараёнларини тартибга солиш бўйича концепция ва қонун ишлаб чиқишга эҳтиёж бор.

ЎЗА

14 февраль — Захириддин
Мухаммад Бобур таваллудини кўни
**ИККИ ДАҲО ВА
БЕИ РҮБОИЙ**

Захириддин Мухаммад Бобур ҳазратларининг Мир Алишер Навоий бобомизга доимо ҳавас билан қарагани ва бу “кўп ва хўб” ижод қилган даҳо шоирни ўзига устоз, деб билгани кўпчиликка маълум. Шу боис, улар шеъриятида ўхшашликлар учраши табиий, лекин бундай яқинлиқни Бобурнинг Навоийга тақлиди, деб талкин қилиш улар шеъриятига юзаки, ноқиддий ёндашувдан бошқа нарса эмас. Аслида эса Бобур лирикасидаги Навоийга татаббулар икки шоирнинг ҳам ўзига хос мусобақаси, ҳам даҳо шоирд томонидан даҳо устоз асарининг тасдиқ усули орқали муайян маънодаги тўлдирилишидир. Камина ўшандай асарлар хусусида бир неча оғиз сўз айтмоқчиман.



Ҳазрат Навоийнинг ажойиб бир рубойиси бор. Унда шакл гўзаллиги мазмун гўзаллиги билан ким ўзарга баҳслашади. Бу икки гўзаллик шеърхон кўзи ўнгиди худди қуёш билан ой муносабатлари каби тенгсиз бир мақомда намоён бўлади.

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники севмоқ ондин ортқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

► Давоми 6-бетда



Бугуннинг гапи

ТИНЧ ТУРАРМУ БУ КЎХНА ОЛАМ...



Ойбарчин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Кунунчилик
палатаси депутаты

Президентимиз аксарият чиқишларида дунёда инсонлар онги ва шуури учун кескин кураш ҳамда рақобат ҳукми сураётган аини замонда миллий ўзлик, маънавий қадриятларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора ортаётганига алоҳида эътибор қаратади. Дарҳақиқат, ҳар бир миллат реал субъект сифатида маънавияти орқали ўзини намоён этади. Унинг ўзига хос урф-одат, анъана, қадриятлари ва менталитети маънавиятда ўз ифодасини топади. Собик шўролар ҳукмронлигининг миллатларни барбод қилишга қаратилган сиёсати шароитида маънавият мустақил мавзу ёки илмий тадқиқот сифатида ўрганилмай келинди. Сабаби, маънавиятнинг яратувчиси ҳам, истеъмолчиси ҳам ўзлигини англаши таъсирида миллий озолиқ ҳақида ўйлаб қолиши мумкин эди.

Орадан неча йиллар ўтди. Ўзбекистон мустақил бўлди. Маънавият, миллий ғоя,

Ҳозир инсоният ақл-заковат билан бунёд бўлган янги цивилизация шароитида яшамоқда. Ҳаёт суръати мислсиз даражада шиддатли, жаҳоннинг энг кичик нуқтасида содир бўлган ҳар қандай янгиликдан дунё халқлари зудлик билан хабар топадиган замон. Интеллектуал салоҳият билан яралган цивилизация фан, техника, технологияларнинг ўзaro уйғунлигидан бошлаб, инсон менталитети, дунёқараши, турмуш тарзи, ахлоқий қадриятларини ўзгартиришга ҳам таъсир ўтказмоқда.

ватанпарварлик каби тушунчаларга эътибор кескин ошди. Ўзининг чуқур маънавий заминига эга халқимиз ҳам руҳан, ҳам қалбдан тетиклашди. Бойси, халқни рози қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қадр-қимматини улуғлаш барча саъй-ҳаракатларимиз асоси экани, янги Ўзбекистон мафқураси эгулик, одамийлик, гуманизмдан иборатлиги баралла айтилди.

Бугун дунёнинг турли бурчакларида юз бераётган қуролли моjarолар ва қарама-қаршиликлар, янги таҳдид ва хатарлар юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаётган ҳарбийларимиз, ўғил-қизларимизни чинакам ватанпарвар, фидойи, юксак маънавиятли шахс сифатида тарбиялашни тақозо этмоқда. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ҳарбийларнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси қандай бўлиши керак? Тинчликни сақлашга бел боғлаган ўғил-қизларимизни мард, матонатли, жасур, иродали шахс сифатида тарбиялашга қимлар масъул? Бу бўйича аниқ ечим, формула борми ўзи? Назаримда, Ватан тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсонни ўйлантирадиган бу саволларга жавобни биргаликда, ҳамжихатликда излаб топишимиз керак.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳақида гапиришдан олдин ҳар биримиз ўзимизга муҳим саволни беришимиз лозим: шахар ва туманлар, давлат идоралари раҳбарлари, спортчи ва санъаткорлар, муҳандис-педагоглар, биз — депутатлар ватанпарваримиз?

Ёшларимизга қимни намуна қилиб кўрсатамиз? Ёш авлодга тарихий қаҳрамонларимизнинг жасоратини сўзлаб бериш орқалигина ватанпарварлик туйғусининг намоён бўлишини кутиш қийин.

Ишончим комилки, ёш авлод ҳар кунги кўрадиган “замонамиз қаҳрамонлари”га муҳтож! Улар мактаб ўқитувчиси, ўт ўчирувчи, ҳарбий хизматчи, бировга беминнат ёрдам қилини узатган, ўз университет, кўчаси, туманида ҳашар ўтказган оддий инсонлар ва бошқалар бўлиши мумкин. Ёшларга миллий миқёсда кичик бўлса-да, бошқаларга кўринадиган амалий ҳаракатларига эга одамлар керак.

Бугун ёшларимизнинг қўлига энг сўнгги русумдаги ҳарбий восита, техника бериб қўйишимиз, барча ижтимоий, иқтисодий ва ташкилий шароитни ҳам яратишимиз мумкин, лекин онгини, тафаккурини илм, маърифат, маънавият билан тўйинтирмас эканмиз, халқимизнинг тарихи ва бой маданияти, буюк аждодларимизнинг қаҳрамонлиги ҳақида сўзлаб бермас эканмиз, кўзланган мақсадга эришишимиз амримаҳол. Не-не алломалар, буюк аждодлар авлод эканимиздан фажрларимиз, лекин уларнинг машаққатли ҳаёт йўли, фидойилиги, Ватанини, элини қанчалик ардоқлаганини кўрсатиб бера олмаямиз. Жаҳид боболаримиз буюк эканлини эътироф этилмиз, аммо уларнинг ғоя ва қарашлари ҳақида бадий ёки ҳужжатли фильмлар яратишда оқсқоқларимиз

етарлича. Буюк боболаримизнинг теран нуқтани назарини содда қилиб, ёшларроп шарҳлайдиган олимларимиз, мутахассисларимиз ҳам етарли, деб бўлмайти. Зеро, Беҳбудий, Фитрат, Абдулла Авлоний каби жаҳид боболаримиз илгари сурган ғоялар ҳанузгача долзарблигини йўқотмаганини унутмаслигимиз даркор.

2023 йилги маълумотга кўра, Ўзбекистонда 27 миллиондан ортиқ интернет фойдаланувчиси бор, уларнинг 6 миллиондан зиёди ижтимоий тармоқларда рўйхатдан ўтган. Катта эҳтимол билан фойдаланувчиларнинг салмоқли қисмини 30-35 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади. Бу эса бўш вақтида телефонига тикилиб ўтирадиган ўғил-қизларга ватанпарварликка ундайдиган, сохтакорликдан йироқ миллий контентларни тақдим этишимиз учун зўр имконият мавжуд, дегани. Лекин биз миллий маънавиятимиз, бой маданий тарихимиз тарғибот-ташвиқотида эскича ёндашувлардан воз кеча олмаямиз.

Жаҳидчилик ҳаракати етакчиларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий “Замона илму фанидан бебаҳра миллат ўзгаларга поймол бўлур”, деган фикрини бежиз айтмаган. Ҳозир навқирон авлод вакиллари ни турли хавфли ғоя ва “оммавий маданият” таъсиридан ҳимоя қилиш аллақачон долзарб масалага айланиб улгурган. Глобаллашув шароитида миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш имкониятлари таҳлили юртимизда бой маданий меросимизни ёшлар онги ва дунёқарашининг ажралмас қисмига айлантириш учун барча шарт-шароит мавжудлигини кўрсатади. Шундай экан, ёшларга таълим-тарбия беришда миллий қадриятларимизга таянган ҳолда хорижий илгор тажрибасидан унутили фойдаланиш, бу жараёнда зиёлилар, ижодкорлардан ташқари биз, парламент аъзолари ҳам жонбозлиқни қўлдан бой бермаслигимиз лозим.

Халқаро анжуман

РАДИО ДАСТУРЛАР МАЗМУНАН БОЙИТИЛАДИ

ахборот майдонида рақобатбардош миллий контент яратиш долзарб масала

Бугун жамяятда инсон онги ва қалбини забт этиш, унга ўз ҳукмини ўтказиш, маънавиятдан тортиб миллий урф-одат ва қадриятларидан жудо этишга йўналтириладиган ахборот хуружлари мавжуд ва улар кўринмаслик ҳусусиятига эга. Аини сабаб унга қарши миллий ахборот иммунитетини шакллантириш, ахборот майдонида рақобатбардош миллий контент яратиш масаласи долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Замонавий таҳдидларга қарши муносиб кураш олиб бориш учун, аввало, ахборот маконида миллий контент яратиш зарурати, дунёдаги воқеаларга миллий манфаатлар нуқтани назаридан баҳо бериш лозимлиги, акс ҳолда, ташқаридан турли ахборот хуружлари кириб келишига имкон яратиш бўлиши, янгилик ва ахборотга эҳтиёжнинг бошқалар томонидан тўлдирилишига сабаб бўладиган нохуш оқибатлардан огоҳ бўлиш лозимлигини давлатимиз раҳбари ҳам бот-бот таъкидлаб келмоқда.

Оммавий ахборот воситаларида замонавий фан ва техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда, радиода миллий медиа маҳсулотларини кўпайтириш, миллий контентни қўллаб-қувватлаш, радиотингловчилар аудиториясини кенгайтириш мақсадида пойтахтимизда “Бутунжаҳон радио кунни” муносабати билан “Радиода миллий контентнинг ўрни” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмаси томонидан ташкил этилган тадбирда соҳа мутахассислари, хорижлик экспертлар, журналист ва тадқиқотчилар иштирок этди.

— Халқимизни, айниқса, ёшларни салбий ахборотлар таъсиридан асраш учун ўз миллий ахборот маконимиз бўлиши ва ушбу манбалар миллий контент билан тўлдирилиши лозим, — дейди радиожур-

налист Навфал Болтаев. — Бу борада мамлакатимизда катта салоҳият мавжуд. Яъни турли соҳаларга ихтисослашган газета, теле ва радиоканаллар, маҳаллий нашрлар ва ҳатто кўплаб нодавлат матбуот воситалари фаолият юрляпти. Интернет журналистикаси ҳам йил сайин ривожланмоқда. Эндиги асосий вазифа — уларни бутунги кун талаби ва халқимиз эҳтиёжига мос миллий контент билан тўлдириш.

Конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмаси раиси Шерзодхон Қудратхўжа радиоканаллар фаолияти, уларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий дастурлар сонини ошириш масалалари ҳақида фикрларини баён қилди. Бутунжаҳон радио кунининг асосчиларидан бири Хорхе Алварес (Испания) “Zoom” орқали барча ўзбек радиожурналистларини байрам билан табриклади.

Шунингдек, тадбир давомида янги лойиҳалар тақдими бўлиб ўтди. Тарихий фактлар ва жаҳидлар ижодий меросини кенг оммага тарғиб қилиш мақсадида яратилган “Тарихингдир минг асрлар” дастурининг 50 та сони радиоканалларнинг эфир дастурлари учун тақдим этилди.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Биз ва дунё

ЎВВОЙИ ҲАЙВОНЛАРНИНГ КЎЧИБ ЮРУВЧИ ТУРЛАРИ ДУЧ КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА ЎЗБЕКИСТОН ЕТАКЧИЛИК ҚИЛМОҚДА

Самарқанд шаҳрида БМТнинг Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини сақлаб қолишга доир конвенцияси (CMS COP14) иштирокчилари конференциясининг 14-йиғилиши бўлиб ўтмоқда.

Тадбирда 130 та давлатдан 1800 дан ортиқ делегат қатнашмоқда.

12 февраль кунги бўлиб ўтган халқаро анжуманининг очилиш маросимида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев форум иштирокчиларига табрик йўллади.

Конференция доирасида замонавий глобал экологик кун тартибининг асосий масалалари муҳокамасига бағишланган муҳим тадбир ва сессиялар ўтказилмоқда. Хусусан, БМТнинг Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини сақлаб қолишга доир конвенцияси Котибияти томонидан илк бор тайёрланган “Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларининг ҳолати тўғрисида глобал ҳисобот” тақдими бўлиб ўтди.

Ушбу ҳужжат дунёдаги ҳайвонларнинг миграция ҳолати тўғрисидаги биринчи ҳисоботдир. У тўрт бобдан иборат бўлиб, кўчиб юрувчи турлар, узоқ муҳлатли қолиш тенденциялари, асосий таҳдидлар ҳамда пайдо бўладиган муаммоларга жавоблар ва бошқа муҳим ҳусусиятлар ҳақида маълумот берилган.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикасидаги Жилтирбас кўли сувботқоқ ерлари халқаро аҳамиятга эга

бўлган Рамсар конвенциясига қабул қилинган маълум қилинди.

Айни пайтда мамлакатимиз ҳудудида жойлашган Денгиз-кўллар (2001 йил), Айдар-Арнасой кўллар тизими (2008 йил), Қуйимозор ва Тўдакўл сув омборлари (2020 йил) ва Судочье кўли (2023 йил) Рамсар конвенцияси рўйхатига киритилган.

Халқаро форум доирасида учта ҳужжат имзоланди. Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасида Африка ва

Евроосиёда кўчманчи йиртқич қушларни сақлаб қолиш бўйича ўзарo англашув меморандуми, Устюрт платосида (Қозоғистон, Ўзбекистон) ёввойи табиятни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ҳамда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО), Халқаро табиятни муҳофаза қилиш иттифоқи томонидан “Ўзбекистонда озиқ-овқат тизими, ердан фойдаланиш ва қайта тиклашга таъсир қилиш дастури” (FOLUR) лойиҳасини амалга ошириш каби ҳужжатлар шулар жумласидан.

Мамлакатимиз ҳудудида жойлашган Денгиз-кўллар (2001 йил), Айдар-Арнасой кўллар тизими (2008 йил), Қуйимозор ва Тўдакўл сув омборлари (2020 йил) ва Судочье кўли (2023 йил) Рамсар конвенцияси рўйхатига киритилган.



Ингер АНДЕРСЕН,
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
Бош котибининг ўринбасари, БМТнинг
Атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП)
ижрочи директори:

— БМТнинг Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини сақлаб қолишга доир конвенцияси муҳим ҳужжат бўлиб, мамлакатингиз Орол денгизининг қуриб қолган ҳудудларида миллионлаб кўчат экиш орқали экотизимни тиклаш бўйича махсус дастурда фаол иштирок этмоқда. Ишончим комилки, бу катта жумбоқнинг муҳим ечимидир.

Таъкидлаш керакки, биз мамлакатингизда бу муаммони ҳал этиш бўйича юқори интилиш ва фаол ҳаракатларни кўриб туримиз. Мен кўчиб юрувчи ҳайвонлар турлари учун ишончли маршрутни таъминлашни назарда тутяпман ва бу нафақат

қушларга балки бошқа ҳайвонларга ҳам тегишли. Агар биз ушбу муаммони ижобий ҳал қила олсак, экотизимни тиклаймиз. Бу нафақат кўчиб юрувчи ҳайвонлар, балки кўшнлар билан дўстона алоқаларни сақлаб қолиш учун ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Агар сизда атроф-муҳит билан боғлиқ муаммолар бўлмаса, чанг-бўронлар йўқ бўлса, юртингизга кўпроқ сайёҳлар келади ва шунга мос равишда даромад ҳам ошади. Агар унумдор тупроқ бўлса, унда қишлоқ хўжалиги гуллаб-яшнайд.

Шунга қўра, ёввойи ҳайвонларнинг миграция йўллари ҳимоя қилиш орқали биз нафақат уларга гамхўрлик қиламиз, балки ушбу минтақада яшовчи халқларга ҳақиқий фойда келтирамиз.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон Президенти айнан шундай нуқтани назарни намоён этмоқда, шунинг учун биз БМТ аъзолари бу ерда эканимиздан мамнунизм.

Мусонда МУМБА,
Халқаро аҳамиятга эга
сувда сузувчи қушларнинг
яшаш жойлари бўлган сув-
ботқоқ жойлар тўғрисидаги
конвенция бош котиб (Рамсар
конвенцияси):



— Биз Марказий Осиё минтақаси давлатларининг тоғли ҳудудларида кўплаб ўзгаришларни кўряпмиз. Шунинг учун ушбу тизимларни қайта тиклашга эътибор қаратиш жуда муҳим. Экотизимларни қўллаб-қувватлаш учун минтақада етишмаётган сув ресурсларини кузатиб бориш керак. Орол фожияси барчамиз учун аққол ибрат ва сабоқ бўлиб, атроф-муҳитни асраб-авайлаш йўлида меҳнат қилиш зарурлигини эслайтиб туради.

Иқлим ўзгариши ҳақиқат ва биз унинг экотизимларга ҳамда ҳайвонлар турларининг яшаш жойларига қандай таъсир қилишини кўряпмиз. Ўзбекистоннинг сайёҳаракатларига келсак, мамлакат экологик муаммоларни ҳал қилишга жиддий эътибор қаратмоқда.

Ушбу анжуман Буюк ипак йўлининг Самарқанддек қадимий шаҳрида бўлиб ўтаётганидан, унда кўп иштирокчиларни кўраётганимиздан жуда хурсандман.

Шунингдек, иқлим кун тартиби, биологик хилма-хиллик ва миграция масалаларига эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида қайд этишни истардим. Ушбу омилларнинг барчаси муҳим ва мен Ўзбекистон томонидан бу борадаги сайёҳаракатларни кўряпман. Мамлакатингиз экологик муаммолар билан жиддий шуғулланмоқда, бундан ташқари, республиканинг минтақадаги етакчилигини ҳам қайд этишимиз мумкин.

Доктор Умберто ГАЛЛО-ОРСИ,
БМТнинг Ёввойи ҳайвонларнинг
кўчиб юрувчи турларини сақлаб қолишга
доир конвенцияси асосида ташкил
этилган Африка ва Евроосиёда кўчманчи
йиртқич қушларни сақлаш бўйича
ўзарo англашув меморандумининг
мувофиқлаштириш бўлими раҳбари:



— Бундай учрашувлар жуда муҳим, чунки кўчиб юрувчи ҳайвонларни ҳимоя қилиш фақат халқаро ҳамкорлик орқали амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, фаунанинг бу турлари доимий равишда чегараларни кесиб ўтади. Улар учун масъулият нафақат ўз наслини кўпайтирадиган мамлакатлар, балки бу турлар гуруҳ бўлиб кўчиб юрадиган давлатларда ҳам юксак. Шунинг учун биз яшаш жойи атамасини ишлатамиз. Шубҳасиз, бундай ҳайвонлар турларини ҳимоя қилиш учун мунтазам мулоқот ва умумий чоралар зарур.

Даниэл
ГУСТАФСОН,
БМТ Озиқ-овқат
ва қишлоқ хўжалиги
ташкilotи (ФАО)
бош директорининг
махсус вакили:



— Бундай учрашувлар муаммога қарши нима қилишимиз кераклигига эътибор қаратиш имконини беради. Конференциядан кутганларимга келсак, у Марказий Осиёнинг бешта давлати ўртасидаги алоқалар ва албатта, глобал ҳамкорлик муҳимлигини намоён этди. Ўзбекистон кун тартибига қандай инновация ва ташаббуслар олиб кираётганини, Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари билан ижобий мулоқот йўлида олиб бораётган ишлари ҳам муҳимлигига гувоҳи бўлиб туримиз. Ишончим комилки, бундай ёндашув бўйича барчамиз бир йўлда бўламиз. Конференция “Табиат чегара билмайди” шиори остида бўлиб ўтаётганининг ўзи асосий янгилик, деб ўйлайман.

Ўзбекистон учун бу анжуман, айниқса, долзарб. Чунки мамлакат қишлоқ хўжалигига зарарли бўлган иқлим ўзгаришининг таъсирини аллақачон ҳис қилмоқда. Буларнинг барчаси жуда жиддий ва ҳозир ва масалаларга биринчи навбатда эътибор қаратишимиз керак.

Кўчиб юрувчи ҳайвонлар турли ҳудудларда кўплаб таҳдидларга дуч келади, шунинг учун эҳтиёт бўлишимиз ва уларни ҳимоя қилиш учун барча муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қилишимиз керак.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон кўчиб юрувчи ҳайвонлар турлари дуч келадиган муаммоларга қарши курашишда етакчилиқни намоён этишмоқда. Масалан, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасида Африка ва Евроосиёнинг кўчманчи йиртқич қушларни сақлаш бўйича ўзарo англашув Меморандуми имзолангани нафақат сайёҳаракатларни шакллантиришга ёрдам беради, балки уларни мувофиқлаштиради.

“Дунё” АА
Самарқанд

Буюк ўзбек йўли

ТАДБИРКОР МАЪНАВИЯТИ

янги давр талабларига жавоб беряптими?

(Иккинчи мақола)



Кийм НАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бегда

Бинобарин, ҳозирги даврда давлат томонидан кўплаб иқтисодий-сиёсий ислохотлар, тадбирлар амалга оширилмоқда. Вазирлик ва идоралар белгилаб берилган стратегия доирасидаги мақсадлар, дастур ва режаларни бажармоқда. Тадбиркорлар ва мулкдорларнинг иқтисодий рағбати ва маънавий камолоти учун объектив шарт-шароитлар тобора яхшиланиб борапти.

Аммо тадбиркорлик маънавияти, ҳар бир тадбиркорнинг ижтимоий масъулияти ва унинг ҳаётда намоён бўлиши билан боғлиқ масалаларнинг конкрет шахс, инсон омили билан боғлиқ ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик субъектив жиҳатлари ҳам бор. Шу нуқтан назардан, “Тадбиркор маънавияти” тушунчасининг ижтимоий масъулият билан боғлиқ жиҳатлари жаҳон тажрибаси ва бугунги ҳаёт воқеликлари орқали яққол намоён бўлаётганини аниқ-тиниқ кўриш ва турли мисоллар орқали тўғри тасаввур қилиш мумкин.

Келинг, ушбу мавзуда назарий фикр ва умумий мулоҳазалардан кўра, аниқ мисолларга мурожаат қилайлик. Масалан, Япония жамияти ва унинг аъзолари тўғрисида чоп этилган қизиқарли асарлардан бири “Рёандзи боғининг ўн бешинчи тоши” номли китобда япон бизнесменларига ҳос ниҳоятда ибратли хислатлардан бири ҳақида ҳикоя қилинган. Муаллифнинг гувоҳлик беришича, аксарият япон тадбиркорлари ўзларига юз минглаб доллар фойда келтириши мумкин бўлган бирор-бир шартнома Японияга ва япон халқига бир неча минг доллар миқдорда моддий ёки маънавий зарар келтиришини билиб қолса, уни ҳеч қачон имзоламак экан. Японлар орасида узоқ йиллар яшаган асар муаллифи “Уларни бунга ундашнинг фойдаси йўқ, барибир мақсадингизга етолмайсиз” деб ўй ўйлаганига сола олмайсиз”, деган хулосага келган.

Бошқа бир мавзуда эса, нафақат Япония, балки дунёда ҳам машҳур таълим даргоҳи — Нагоя университети билан боғлиқ бир мисол келтирилган. Унга кўра, яқинда мустақилликка эришган мамлакатлардан бирига келган ушбу университет вакилига “Бизнинг юртимизда дунёнинг кўплаб олий таълим муассасалари филиаллари очилган. Сизлар ҳам шу йўлдан борсангиз, миллионлаб фойда кўрар эдингиз. Таклифимизга рози бўлмаётганингизнинг сабаби нимада? Ёки катта фойда олишингизга ишончингиз қомил эмасми”, деган савол берилганда айтилган қўйидаги жавоб япон тадбиркорининг маънавий қиёфасини яққол ифодалайди: “Бу ишдан катта

Кунчиқар юрт ҳақидаги ушбу ибратли мисолларга дуч келар экансиз, “Бизнинг тадбиркорларимиз орасида бундай имконият бўлганда япон тадбиркорларидек иш тутадиганлар неча фоизни ташкил қиларкин?”, деган савол беихтиёр ҳаёлингизга келиши аниқ. Бу эса, ўз навбатида, яна бир бор тадбиркор маънавияти, ушбу соҳа вакиллариининг Ватан ва халқ олдидаги ижтимоий масъулият туйғусини тўғри шакллантириш зарурати билан боғлиқ масаланинг ниҳоятда долзарблигидан далолат беради.

Яқинда ижтимоий тармоқларда “Наманганда қалбаки дори воситаларини тайёрлаш ва сотиш билан шугулланган тиббиёт ходими ушланди”, деган хабар тарқалди. Унга кўра, давлат органлари ҳамкорликда ўтказган тезкор тадбирда “Зодак”, “Анаферон”, “Хилак Форте” ва “Витамин В6” номли қалбаки дори воситаларини тайёрлаш ҳамда сотиш билан шугулланган тиббиёт ходимининг фаолиятига чек қўйилган. У 1000 дона қалбаки “Зодак” дори воситасини Андижон вилоятига сотиш мақсадида олиб кетмокчи бўлган вақтида қўлга олинган. Хонадонидан дори воситалари ишлаб чиқариш учун мўлжалланган яширин цех, 763 дона “Анаферон”, 2125 дона “Зодак”, 4000 дона “Витамин В6” дори воситалари, 570 дона номсиз флаконларда сироплар, дори воситаларини қadoқлашда фойдаланиладиган қутилар, йўриқнома ва ёриқлар топилган. Инсон ҳаётини хавф остига қўядиган фаолиятни 2023 йил сентябридан бундан тизимли йўлга қўйган бу “тадбиркор” тиббиёт ходимини Андижон вилоятида яшовчи ўзига ўхшаган фуқаролар Қирғиз Республикасидан ноқонуний йўллар билан олиб келинган хомашё билан таъминлаб турган. Ҳозирда ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг тегишли модда ва бандлари билан жиноят иши қўзғатилиб, мазкур шахсга нисбатан қamoқ эҳтиёт чораси қўлланилган.

Ҳўш, кейинги йилларда юртимизда аҳолини соғломлаштиришга доир кенг қамровли ислохотлар амалга оширилаётган, давлатимизнинг бу борадаги кўплаб дастур ва лойиҳалари ишлаб чиқилиб ҳаётга татбиқ этилаётган, ушбу йўналишга триллионлаб маблаг сарфланаётган бир пайтда бундай номаъқулчилик учун давлат ташкилотларини айблаш қанчалик тўғри бўларкин? Бунда аслида давлат ёки жамият эмас, балки инсон омили, аниқ бир кимсаларнинг ноқонуний ва маънавият мезонларига мутлақо мос келмайдиган фаолиятни амалга ошираётганини сабабчи эмасми? Бу тахлит “тадбиркорлик” мамлакатимизда ўз зиммасидаги вазифаларни чин дилдан адо этаётган кўплаб ишбилармон ва тадбиркорларнинг маънавий қиёфасига соя солади ва обрўсизлантиради, албатта.

Яна бир мисол. Кейинги йилларда мактабгача таълим соҳасига ниҳоятда катта эътибор қаратилди, болажонларимизни ушбу тизим билан қамраб олиш даражаси бир неча баробар ортди. Соҳада фаолият олиб бораётган нодовлат мактабгача таълим ташкилотлари — МТЛлар сонини 27 мингдан ошди ва улар барча турдаги солиқлардан озод қилинган. 2023 йилда уларга давлат ҳисобидан ва шерикчилик шарномаси асосида жуذا катта миқдорда, яъни 2,7 триллион сўм маблаг ажратилгани бу борадаги гамхўрликнинг яққол намунаси-дир.

Аммо маълумотларга қараганда, 2023 йил 27 декабрда баъзи оилавий боғчалар



уларга нисбатан 8,8 миллиард сўм субсидия тўловлари тўхтатилган. 895 та оилавий МТТ томонидан воситачилар ёрдамида компьютерда виртуал мобил қурилмани яратиш орқали ҳақиқатда МТТга келмаган тарбияланувчи ва ходимларнинг давомати сохталаштирилгани маълум бўлган. Уларга оғоҳлантириш хатлари жўнатилган ва асосланмаган субсидия молиялаштирилишининг олди олинган. Ушбу маълумотлар тегишли тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этилган.

ажратиётганидан бохабар баъзи “учар”ларнинг бир юмалаб тадбиркор бўлиб олгани ва қинғир йўллардан бораётгани ҳам шундан.

Бу эса, бутун жамият миқёсида маънавий тарбия масаласининг ниҳоятда долзарблигини ва ҳар бир фуқаро, жумладан, ишбилармон ва тадбиркорлар қатламининг маънавий қиёфасида мазкур феномен билан боғлиқ ижобий хислатларни шакллантириш ва камол топтириш зарурати ҳали-ҳануз сақланиб қолаётганини аниқлатади.

КОРРУПЦИЯ БАЛОСИ

Тадбиркорлар маънавий дунёсининг рисоладагидек шаклланишига халақит берадиган омиллар орасида коррупция балоси ва унинг оқибатлари, қонун ва ҳуқуқни англаш даражасининг етарли эмаслиги, глобаллашув таҳдидлари ва ғоясизлик хатарлари алоҳида диққатни талаб қилади. Улар бошқа салбий омиллар билан бирга тадбиркорларнинг онги ва дунёқарашига таъсир ўтказишда, бу жабҳа вакилларнинг қудудлик ҳаёти ва фаолиятида ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Коррупция муаммосига жаҳоннинг деярли ҳар бир мамлакатига дуч келиш мумкин ва бугунги кунда у тадбиркорликнинг асосий қушандасига айланди. У сўнгги йилларда халқаро миқёсда трансмиллий жиноят сифатида кенг муҳокама қилинмоқда. Коррупция келтирадиган зарар барча учун тен саналиб, мазкур иллатнинг турли соҳаларга, хусусан, иқтисодий, ижтимоий, маънавий жаҳдаларда амалга оширилаётган ислохотларга, мамлакатнинг халқаро майдондаги имижига ва инвестициявий жозибадорлигига, аини пайтда тадбиркорлик соҳасига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатиши маълум.

Ҳозирги глобаллашув замони, минтақалар ва давлатларга интеграция жадаллашиб бораётган мураккаб бир шароитда коррупция барча мамлакатларда ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқариб, жамиятни ич-ичидан емириб, пароканда қилиб ташлаш хавфини сояпти. Бинобарин, бугун каттами-кичикми, бойми-камбағалми, қудратлими-қучсизми, биронта давлатни коррупциядан холи ҳудуд, деб айтолмаймиз. БМТ ва Халқаро валюта жамғармаси маълумотларига кўра, жаҳон иқтисодиёти коррупция туфайли йилга 1,5-2,6 триллион долларгача зарар кўрмоқда.

Жаҳон меҳнат ташкилоти томонидан муттасил ўрганиб бориладиган мавзулардан бири, яъни бизнес соҳасининг коррупциялашганлик даражаси мониторингини умумий кўрсаткичларига кўра, порахўрлик барча соҳаларда тадбиркорлик фаолиятининг маънавий асосларини емиради, унинг халқ олдидаги обрўсига путур етказиши. Аини пайтда у халқаро ҳуқуқ соҳасида тадбиркорнинг бу борадаги қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қиладиган энг хавфли жиноий ҳодисалардан бири сифатида баҳоланади.

Чунки у бутун мамлакат миқёсида тадбиркорлик ривожланишига жиддий путур етказиши, қонун устуворлигини заифлаштириши, пировардида, ҳақиқий тадбиркорлар ҳуқуқ ва эркинликларини поймол бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам Президентимиз янги давр бошланишидаёқ “**Жамиятимизда коррупция иллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққийётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини йиратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг барқарор тармоғи ривожланмайдиган**”, дея алоҳида таъкидлагани бежиз эмас.

Кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши кескин ва муросасиз кураш



олиб боришмоқда. Хусусан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши, шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссиясининг ташкил этилиши ва коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурининг тасдиқланиши юртимизда бу иллат билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қатор чора-тадбирларнинг самарали амалга оширилишини таъминлади.

Мисол учун, қисқа вақт ичида коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга оид бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжат, жумладан, “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Президентимизнинг “Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони эса бу борадаги изчил саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давомидир. Ундан кўзланган асосий мақсад юртимизда коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини янада ошириш, энг юқори даражадаги қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий имижини ошириш ва мустаҳкамлашга қаратилган.

Дунё мамлакатлари бизнес соҳасининг коррупциялашганлик даражаси умумий кўр-

қонунчиликка амал қилиб ишлаётган тадбиркорларни аниқлаш ва рағбатлантиришни назарда тутувчи Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини 1 февралдан жорий этилиши белгиланди. 2024 йил 1 апрелдан тадбиркорларга субсидия, имтиёз ва преференциялар уларнинг рейтинг даражасидан келиб чиққан ҳолда жорий этила бошлайди.

Аслида, бу ҳақда Президентимизнинг ўтган йили тадбиркорлар билан очиқ мулоқотда айтилган ва шундан сўнг ушбу рейтинг мезон ва тартиб-таомиллари ишлаб чиқила бошлаган эди. Шу асосда қабул қилинган Президент қарорига кўра, тадбиркорлар фаолият даври, рентабеллик даражаси, тўлов интизоми, аҳоли бандлигидаги ўрни ва иш ҳақи каби 23 та мезон асосида 4 тоифага ажратилади. Бундай рейтинг солиқ, адлия ва суд органлари маълумотлари асосида шаклланади. Ҳар бир тадбиркор ўз ўрни ва баҳосини, яъни аниқ рейтинг даражасини реал вақтда билиб бориши мумкин бўлади.

Қарорга биноан, рейтингни юқори тадбиркорлар учун барча солиқ текширувлари бекор бўлади, қўшимча қиймат солиғи суммаси бир кунда ва бошқа солиқ турлари бўйича ортиқча тўлов уч кунда қайтариб берилади. Товарларни импорт қилиш ва сотишда қўшимча қиймат солиғини божхона ва солиқ органларида ўзаро ҳисобга олиш имконияти яратилади. Аукционда олинган давлат активлари ва ер участкалари қийматини бўлиб тўлаш муддати 3 йилдан 5 йилгача узайтирилади. Бунда камда 15 фoиз миқдорда дастлабки



саткичларига кўра, ушбу иллат ҳамма жойда, иш бошлашдан олдинги лицензиялар олишдан тортиб шартномалар ва суд жараёнигача рўй бериши мумкин. Халқаро экспертлар жамиятида бу борада шакланган хулосага кўра, бизнесдаги коррупция сабаблари хилма-хил тарзда намоён бўлади.

РЕЙТИНГНИНГ МАЪНАВИЙ КУЧИ

Кейинги йилларда етук тадбиркорлик маънавиятини тақозо этадиган соҳаларни тизимли ривожлантириш, бизнес учун шароитини изчил яхшилаб бориш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада, айниқса, тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий жиҳатларига асосланадиган ва ўз навбатида, бу соҳа вакилларининг маънавий қиёфасига катта таъсир кўрсатадиган барқарорлик рейтингини жорий этилиши мазкур йўналишдаги муҳим янгиликлардан бири бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 23 январдаги “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бунинг яққол далилидир. Ушбу ҳужжатга кўра,

тўловни бир йўла амалга оширганда, қолган суммага йиллик фoизлар ҳисобланмайди.

Ушбу йўналишдаги жаҳон тажрибасини ўрганиш бундай рейтингга таянадиган тадбиркор маънавияти ўзига хос регулятив функцияни ҳам бажаришидан далолат беради. Яъни рейтинг жорий қилиниши мўъйин тадбиркорлик субъекти ва бу соҳа билан машғул шахслар ва жамоалар фаолиятини мавжуд маънавий-ахлоқий тамойил ва талаблар асосида бошқариб туришга катта таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд этилганлар ўз навбатида, мамлакатимизда тадбиркорлар маънавиятини самарали шакллантириш борасида жамоатчилик фикри таъсирини ошириш ва қонун ижодкорлиги соҳасидаги ишларни янада кучайтириш, давлатимизнинг ушбу соҳадаги сиёсатининг асосларига доир “**Маънавият ва маънавий фаолият тўғрисида**” қонунини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган энг муҳим ва объектив заруратлардан бирига айлангандан далолат беради.



иқтисодий фойда олишимизни яхши биламиз ва бунга ишончимиз қомил. Аммо юртингизда очиладиган филиалимизнинг Япониядагидек самарали таълим тизимига айланиши ва ҳар бир талаба, бўлажак мутахассис учун биздаги каби юксак даражали, ниҳоятда мазмундор ва фойдали иш билан беришига ишончимиз қомил эмас. Бу эса, нафақат бизнинг университет, балки бутун Япония таълим тизими обрўсизланишига сабаб бўлиши мумкин. Биз бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз ва ҳар қандай шахсий фойда олиш имконияти бизни Ватанимиз шаънига доғ туширадиган енгил-елпи йўлга солмайди”.

эгалари турли ноқонуний йўллар билан давлат ҳисобидан 30 миллиард сўмдан ортққ маблағни ўзлаштирган, 1,5 мингдан зиёд хусусий “боғча”лар ноқонуний фаолият юритган. Хўш, бунда айбдор қоним ёки ушбу ҳолатнинг сабаби нима деб ўйлайсиз? Давлат ҳамма шароитни яратётган бўлса, шу йўналишдаги вазирлик ва идора ишга масъулият билан ёндашаётган бўлса, гап нимада?

Холисона айтганда, бу борада айнан ушбу йўналишдаги вазирликнинг саъй-ҳаракати билан 2023 йилда 734 та МТТ томонидан бир боланинг сурати ўрнига бошқа боланинг суратини жойлаштириш асосида давомат белгиланиб келгани аниқланиб,

Қишлоқ хўжалиги

БИЗНИ СИНОВЛАРДАН НИМА ҚУТҚАРАДИ?

Бугун илм-фан ва инновация ҳар қачонгидан аҳамиятли бўлиб бормоқда



Алишер ШУКУРОВ,
қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз раислигида куни кеча қишлоқ хўжалигида янги захираларни ишга солиш ҳамда 2024 йилги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида асосий эътибор ана шу масалаларга, хусусан, қишлоқ хўжалигида унумдорликни ошириш, таннархни камайтириш, сувни тежашга қаратилиб, галдаги вазифалар белгиланди. Ер ва сув ресурслари чекланган шароитда янгича ишлаб, маҳсулотни кўпайтириш, соҳага саноат мўҳитини олиб кириш зарурлиги таъкидланди. Масалан, юртимизда бир гектар майдондан олинадиган ўртача ҳосил илгор мамлакатлардагига қараганда кам. Лекин ўғит ҳам, ёқилғи ҳам, сув ҳам 2 қарра кўп ишлатилади. Шу боис, хориждан серумун чигит ва уруғлар олиб келиб, деҳқонларни янги агротехнологияларга ўқитиб, ҳосилдорликни пайтахта 50 центнер, галлада 100 центнерга етказиш мумкинлиги айтилди.

Республикамиз жами сугориладиган майдони 4,3 миллион гектарни ташкил этади. Афсуски, уларнинг салкам ярми турли даражада шўрланган. Ўзига хос парадокс: истеъмолчилар сони кўпайитти, маҳсулот еттиштириш имкониятимиз эса камайитти. Нима қилмоқ керак? Бундай шароитда, биринчи навбатда, илм-фанга таянилади, суянилади. Яъни соҳага замонавий илмий ишланмаларни, инновацион ғояларни қўллаш орқалигина масалага ечим топиш мумкин. Бошқа йўл йўқ, Шу ўринда Имом Бухорийнинг ўн икки аср аввал “Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмаган”, деган фикрини қўласак хато бўлмас. Зотан, илм-маърифат инсонни камолотга ундаш баробарида, тармоқларни, соҳаларни янгиликка етакловчи неъматдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар аини шунга қаратилган билан аҳамиятлидир. Мақсад табиий манба — ер ва сувдан самаралироқ фойдаланиш орқали ҳар қачонгидан баракалироқ ҳосил олиш.

Қисқаси, ҳали аграр соҳада амалга оширилаётган ишлар жуда кўп ва уларнинг аксарияти қабул қилинган ҳужжатлар билан асосланиб, йўналишлар белгилаб олинмоқда. Жумладан, яқин ўн йилликдаги вазифаларимиз Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида муштаҳамлаб кўйилган.

Айтиш жоизки, стратегияда қайд этилган вазифаларнинг айримлари аллақачон амалиётга киритилган, баъзилари тажриба-синов тариқасида қўлланилмоқда. Яъни жараён изчил давом этмоқда.

Барча хизматларни бир жойга жамловчи платформа

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги ҳам миқдор, ҳам самарадорлик жиҳатидан ривожланиётгани қайд этилиб, кластер тизими орқали юқори унумли техника ва чуқур қайта ишлаш кириб келатгани айтилди. Жумладан, 2023 йилда соҳада ишлаб чиқариш 4,1 фоизга ўсиб, 426 триллион сўмни ташкил қилди. Экспорт эса қарийб 2 миллиард долларга етди. 152 минг гектар бог ва тоқзорлар барпо этилиб, 185 минг тонна мева-сабзавот, 31 минг тонна гўшт ва 485 минг тонна сутни қайта ишлаш қувватлари ишга туширилди. Яқин тарихимизда илк бор пахтадан 3 миллион 700 минг тонна, галладан 8 миллион тонна ҳосил олинди.



Аҳоли бандлиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминловчи соҳа — қишлоқ хўжалиги, аслида, давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Бундан бир мuddат олдин, яъни жорий йилнинг 16 январь куни 2024 йилда мак-роиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланиш таъминлаш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида аграр соҳадаги ўзгаришларга ҳам алоҳида тўхталиниб, вазирлигимиз зиммасига қўшимча вазифа ва кўрсатмалар берилган эди. Шу боис, қишлоқ хўжалиги соҳасини тубдан рақамлаштириш, энг сўнгги илгор дастурий чимларни кенг татбиқ этиш, ходимлар, айниқса, ёш кадрлар илмий салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилляпти.

Бугунги кунда жаҳонда “ақли” қишлоқ хўжалиги жадаллик билан тараққий этмоқда. Айниқса, АҚШ, Хитой, Австралия, Нидерландия бу борада етакчилик қияпти. Ушбу мамлакатлар қишлоқ хўжалигининг тармоқлари илгор инновацион усуналар ёрдамида автоматлаштирилган.

Бироқ халқаро миқёсда қишлоқ хўжалиги билан боглиқ жиддий муаммолар ҳам

ортиб борапти. Иқлим ўзгариши, сув танқислиги, озиқ-овқат хавфсизлиги, маҳсулотлар сифатини сақлаш кабилар шулар жумласидан. Афсуски, булар биз учун ҳам бегона эмас. Мазкур муаммоларга ижобий ечим топиш янгича билим, илмий тадқиқот ҳамда инновацияларни талаб этади.

Янги инновациялар, аввало, олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларида илдиэ отади. Бугун ёшларимизни ҳар томонлама билимли, жаҳондаги энг илгор тендошлари каби фикрлай олиш даражасига олиб чиқсаккина, юқоридаги муаммоларни бартараф эта оламиз. Шу боис, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ҳам ҳозирги шиддат билан ривожланиб бораётган жаҳон илм-фан ютуқларидан ортда қолмаслик учун интеграциялашув ислохотларини амалга ошириш талаб

этилмоқда. Шу нуқтан назардан Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг барча тизим ташкилотлари ишлаб чиқилаётган “Рақамли қишлоқ хўжалиги” интеграцион платформасида бирлаштирилиб, соҳа тармоқларини ахборот технологиялари орқали ривожланиши ҳамда ягона электрон базада тезкор ахборот алмашинувини таъминлаш орқали меҳнат самарадорлигини ошириш кўзда тутилмоқда. Бунинг учун эса малакали, ривожланган давлатлар аграр соҳасини ҳамда юртимиз иқлими ва тупроғи таркибини яхши биладиган, илгор технологиялардан мукаммал фойдалана оладиган кадрларга катта эҳтиёж туғилади.

“Рақамли қишлоқ хўжалиги” интеграцион платформаси орқали соҳа ташкилотларига йўланган мурожаатлар битта базага жамланади. Эндиликда уларни тегишли тартибда ўрганиш ва тезкор тарзда ижобий ҳал этиш учун қатор қулайликлар вужудга келди. Бир сўз билан айтганда, мурожаатлар билан ишлаш самарадорлигига эришилди.

Вазирлик ва унинг тизим ташкилотлари ҳамда худудий бошқармаларда мавжуд бўлган мурожаатлар билан ишлаш, ахборот



хизматлари, юридик таъминлаш каби бўлимлар бир-бири билан интеграцияланиб, уларнинг тизимли ишлаши йўлга қўйилади. Бу иш сифатининг ошишига олиб келади.

“Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси орқали мурожаатларда кўтарилаётган масалалар қўлами аниқлаштирилади, вужудга келатган тизимли муаммоларни бартараф этишни комплекс таҳлил қилиш ишлари соддалашади. Яъни асосий мақсад — камроқ вақтда кўпроқ натижага эришилади.

Шунингдек, мурожаатларни кўриб чиқишда коррупциявий ҳолатларнинг олди олинади. Бундан ташқари, мазкур тизим айнан бир шахс томонидан туман, вилоят ва республика миқёсдаги давлат органларига юборган бир хил мазмундаги мурожаатни ушбу органлар томонидан алоҳида ва параллел равишда кўриб чиқилишининг олдини олади, самарадорлигини оширади.

Илмий салоҳият изчил таҳлил қилиб борилади

Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалиги тизимида 10 та олий таълим муассасаси, 26 та профес-сионал таълим маскани, 21 та илмий-тадқиқот институти ҳамда 51 та илмий-тажриба станцияси мавжуд. Уларда фаолият олиб бораётган 3 мингдан зиёд ходимнинг 790 нафари бевосита илмий изланишлар билан машғул.

Сўнгги йилларда вазирлик ҳузуридаги илмий-тадқиқот институтиларида фаолият юритаётган аграр соҳа олимлари томонидан тармоқ ривожига хизмат қилувчи бир-биридан долзарб илмий ишланмалар амалга оширилмоқда. Жумладан, пахтачилик, галлачилик, мева-сабзавот, боғдорчилик ҳамда узумчилик каби йўналишларда серҳосил ва харидорғир навларга асос солинди. Энг муҳими, ушбу жараёнга иқтидорли ёшлар кенг жалб этилиб, илм-фан ва амалиёт уйғунлигига аҳамият қаратилмоқда.

Ёшлар салоҳиятини юксалтириш, соҳада “Устоз-шогирд” аънасанни йўлга қўйиш мақ-

садида тизимдаги барча олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари вазирлик ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий марказига бирлаштирилмоқда. Пировардида, фундаментал тадқиқотлар билан ишлаб чиқариш жараёнлари уйғунлашиб, ривожланган мамлакатлар илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик қилиш ҳамда инновацион ишланмаларни шу ернинг ўзида амалиётга татбиқ этиш имконияти вужудга келади.

Айни пайтда вазирлик тизимдаги таълим муассасаларининг моддий техник базасини янгиллаш, таълим сифатини янада ошириш, қишлоқ хўжалиги тармоғига ихтисослашган инновацион ишланмаларни татбиқ этиш ишларига устувор мақсад сифатида қаралмоқда. Шу боис, вазирлигимизда тузилган ишчи гуруҳ вакилларига таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, ўқув-услубий қўлланмаларини ҳозирги дунё таълим стан-дартларига мослаштириш, талабаларнинг соҳага қизиқишини ошириш ва биттирувчиларни иш билан таъминлаш даражасини қафолатлаш учун бириктириб берилди. Бундан қўзланган мақсад вазир ўринбосарлари, бошқарма бошлиқлари ва таълим маскани раҳбари ўз йўналишидан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларининг бакалавр, магистратура йўналишларидаги ишлар ва уларнинг ўқув дастурлари билан танишиб, улар бугунги замон талабига мос ва мос эмаслигини кўриб чиқадди. Бундан ташқари, қайси илм даргоҳида иқлим ўзгариши, “ақли” қишлоқ хўжалиги, IT соҳаларидан келиб чиқиб қандай замонавий таълим йўналишлари очилгани ҳақида ўрганишлар олиб борилади.

Шу билан бирга, ўқитиш сифати, талабалар савияси ўрганилади. Илм масканларининг хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик даражаси таҳлил қилинади. Ишчи гуруҳнинг ҳулосалари билан ўқув масканларини услубий ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади. Ушбу чора-тадбирлар асосида илмий даргоҳлар моддий-техник базаси янгилланиб, ўқув сифати оширилади, халқаро алоқаларини ривожлантириш бўйича қўмақлашилади.

Шунинг учун аини пайтда тизимдаги таълим муассасалари илмий салоҳияти оширилиб, услубий қўлланмалар жаҳон таълим стандартларига мослаштирилмоқда. Қолаверса, ёшларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиши учун барча зарур чоралар кўрилмақда.

Яна бир гап. Президентимизнинг Хитой Халқ Республикасига амалга оширган ташир-фи доирасида Пекин шаҳрида Ўзбекистон — Хитой аграр таълим форуми ҳам бўлиб ўтди. Унда Хитойнинг аграр йўналишидаги олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини муштаҳамлаш, энг сўнгги технологияларни ўзаро трансфери тўғрисида фикр алмашинуви йўлга қўйилиши маълум қилинди.

Шу ўринда, айтиш керакки, Тошкент давлат аграр университети ҳозирда Шимоли-Гарбий Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги университети ҳамда Sinsyap университети билан бир қатор ҳамкорлик лойиҳаларини амалга оширмоқда.

Шунингдек, вазирлик делегацияси хитойлик ҳамкасблари, ишбилармон доира вакиллари билан учрашувда сув тежовчи технологиялар, уруғчилик, чорвачилик, маҳсулотларни қайта ишлаш, ер ҳолатини тиклашга йўналтирилган ишланмалар, мевали кўчатлар етиштириш, ис-тиқхона хўжаликлари, агрологистика марказлари, инновацион лабораториялар ташкил этиш, бог ва узумзорларни “ақли” бошқариш тизим-лари каби йўналишларда музокаралар ўтказди. Аҳамиятлиси, хитойлик ишбилармонлар ушбу тажрибаларни мамлакатимиз қишлоқ хўжали-гига татбиқ этиш истганини билдирди. Бу эса соҳага замонавий иш услубини янада кентроқ қўллашда аини муудоадир.

Қишлоқ хўжалигида ишга солинмаган янги захираларни сафарбар этиш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғили-шида соҳага доир яна қўллаб масалалар кўта-рилди. Хусусан, фермерлар манфаатдорлигига алоҳида эътибор қаратилди. Манфаатдорлигини янада ошириш учун бу йил пахтачиликда бўл-гани каби галда етиштиришда ҳам имтиёз-ли кредитни тўғридан-тўғри фермерга бериш тизи-ми жорий қилиниши айтилди. Бундан ташқари, давлат ресурси учун харид қилинган бугдойни даладан ташиб келиш ва сақлаш харажати ҳам тўлиқ бюджетдан қопланади.

Шу билан бирга, минерал ўғит сифати ва устамаси алоҳида назоратга олинади. Фермерларга ўз ҳисобидан ўғит сотиб олиш бўйича қулайлик яратилади. Эндиликда олдинги қарзи-ни 1 апрелгача тўлиқ тўламаган кластер билан фюнерс шартномаси бекор қилинади ва фер-мерга пахтани биржада сотишга рухсат берила-ди. Маълумотни электрон платформага кирит-ган ва фюнерс шартнома имзолаган фермерга кредит кўпи билан уч кун ичида ажратилиши шарт этиб белгиланади.

Чорвачилик, ипакчилик ва балиқчилик тар-моқларини қўллаб-қувватлаш чоралари ҳам қайд этиб ўтилди. Инвестицияларни фаол жалб этиш орқали соҳада ишлаб чиқариш ҳамжи-ни ошириш чоралари кўрсатилди. Булар эса олдинда қилинажак ишлар ҳали кўп эканини англатади.

Табиат

Жарқўргон туманидаги “Оқтепа” ўрмон хўжалиги Ўзига хос ландшафти билан мамлакатимиздаги бошқа табиат масканларидан тубдан фарқ қилади. Тўрт томон чўлгу биёбон, ўртада ястанган зилол кўл атрофи қуюқ ўрмонзор. Бу ўрмонга изох шарт эмас: инсон қўли билан яратилган табиат мўъжизаси! Шундай бўлиши ҳам мумкинми, ахир минг йилликлар давомида сакланиб келган қуюқ ўрмонлар инсоният кўз ўнгида тоғларга чекиниб, тугаб бораётган бир замонда-я? Бўлиши мумкин.

Жарқўргонлик Александр Федин — маҳал-лий аҳоли “Саша ака” сифатида танийдиган табиат жонкуяри бунга нафақат ишонади, балки маълум бир манзилларни, бутун мамлакатни “Яшил макон”га айлантириш мумкинлигини ҳам бошқаларга айтишдан чарчамайди. Негаки, Жарқўргондек қуруқ иқлимий ҳудудда бундан 35 йил муқаддам ўрмон яратиш ташаббуси бир қатор табиат жонкуярлари томонидан илгари сурилганида кўпчилик ишонқирамай, қулимси-раб нари кетишганди. Аммо орадан чорак аср ўтиб, ўша ишонмаганлар ҳайратдан ёқа ушлаб, энди ҳам нари кетишяётганлиги-да бор гап.



Саша ака яқинда ижтимоий тармоқ орқали давлатимиз раҳбари томони-дан Мўйноқда, Оролбўйининг флора ва фаунасини яхшилаш бўйича олиб борилаётган дастур доирасида экилган миллионлаб кўчатларнинг сунъий йўл-дошдан олинган тасвирларини кўриб, бир неча кун хушнудликдан учиб-қўниб юрди.

У Орол денгизини қутқариш тобора им-конисд бир вазиятда, борини асраб қолиш, янги лойиҳалар билан фожиа таъсирини янада камайтириш ва яхшилаш, тўқайзорлар барпо этиш зарур, деб ҳисоблайди. Бундан ўттиз йил аввал мавсумий сув йиғиладиган “Оқтепа” сув обмори киргоқлари атрофига даракхлар эки-либ, у ерда ўрмон хўжалиги юзага келганини мисол қилиб келтиради.

А.Федин 1989 йилнинг бошида мавсумий сув йиғиладиган, қоқ чўл ўртасида бўлгани сабабли қўлами ҳам ва фойдаси кам “Жарқўргон” сув обморининг соҳилида ўрмон яратиш мақсадида

4 гектар ер сўраб мурожаат қил-ди. Ушанда ўттиз ёшда эди. Орузси рўёбга чиқа бошла-ган кишининг ғайрати ошади. Қадаган ниҳолларни ерга илдиэ отиб, кўкка бўй чўза бошла-ди. Яна бир йил ўтиб, масъуларни унинг аввалига эриш, уудалаб бўл-масдек туюлган режаси амалга оша бошлаганига гувоҳ бўлди ва ана 80 гек-тар ер қўшиб беришди. Кўп ўтмай 84 гектарлик чинакам ўрмон-зор барпо этилди. Бироқ кўзга ташланиб қолган қуюқ ўрмон, баъзи ўша давр “каттакон”лари учун тайёр “пишган ош” эди. Бу кичик олам бағрида қўним топган жониворларни овлаш илинжидагилар ҳам, афсуски, топила бошлади.

Ўттиз турга яқин жониворларга суқланиб қаровчилик, 500 турдаги даракхтни ўз манфаати учун ишлатишни змидан кўлаб юрганлар йўқ эди, дейсизми? Меҳнати сингган одам фарзанд-ларидек бўлиб қолган бу яшилликни бетамъа кўриқлади. Ахир бу ердаги даракхларнинг 50 турдагиси, жониворларнинг эса 12 турдаги-си Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган. Уларни кўпайтириш ўрнига аллақандай брок-ньер ёки кундакесарга ўлжа қилиб берсинми? Йўл қўймади.

Ўрмон кенгайган сари унинг бағрига инти-лувчи ҳайвонот олами вакиллари сони чандон ошиб борди. Айни пайтда бундан шахсий ман-фаатлари йўлида фойдаланишни кўзлаган ин-сонлар ҳам сўқ эмасди. Кимдир маълум тўлов эвазига молини ўтлатмоқчи, яна биров оилавий дам олиш маскани куриш учун ҳуфиёна ке-лишмоқчи бўлди. Ани даракхларни ўтин учун кесиш, эвазига унинг “рози қилмоқчи” бўлган “учар”лар ҳам топилиди. Лекин Саша ака аҳдида собит қолди. Уни ҳеч нарсаси билан ўзгартириб бўлмади.

Бу ҳудудда бугунги кунда Финляндия, Россия, Норвегия, Хитой каби давлатлар-дан табиатшунос ёш олимлар келиб илмий тадқиқотларга ўтказмоқда. Ўсимлик ва ҳайвон-от оламининг янги турларини ўрганапти. Термиз агротехнологиялар ва инновацион ри-вожланиш институти билан ҳамкорлик алоқа-лари йўлга қўйилган. Шунингдек, у ҳар йили ташиқлотларга, аҳолига мингдан зиёд бепул кўчатлар етказиб беради.

Очиги, Александр Федин асли Россияда тутилган, болалиги Тожикистонда ўтган, эсини таниганида эса Сурхондарёнинг Жарқўргонига келиб яшай бошлаган. У ўзбек тенкурчлари ора-сида вояга етди: шу тилда ўйлаб, шу тилда сўз-лайдиган бўлди. Ташқи кўринишини айтмаса, сўзлашувидан жарқўргонликлардан ажратиш қийин. Болалик чоғларида ота-онаси билан та-рихий ватанига борганида чексиз ўрмонларни томоша қилар, унинг бағридаги турфа жонивор-лар билан ҳаёлан суҳбат қуради. Шундай дам-ларда рус ўрмонлари бағрида абдий қолишни ва табиат билан умрбод ошно бўлишни орзу

қилар, аммо бу ёқдаги муҳит, дўстларини кўзи қиймасди. Кейин болаларча тасаввур билан ўйлардики, ўрмонзор бағрига келолмас экан, ўрмонни ҳозирги яшаётган юртига ҳам кўчи-рса бўладик-ку? Эҳ-ҳе, у неча юзлаб туңларни тушларида “Аловиддиннинг сеҳрли чироғи”, “Сеҳрли узук”лардан имдод кутиб ўтказди. Ва охир-оқибат астойдил унинг, ҳеч қандай сеҳр-ли куч иштирокисиз орузсига етиши мумкинли-гини англади.

Қуш парвози. Александр Федин уларнинг парвозини кузатиб ҳаммаша ҳақ туяди. Ўр-монни кузатишимиз жараёнида Ўзбекистон иқлими учун янги ҳисобланган “чайка”, яъни чағаланиш томоша қилинган бўлди. Саша ака бизга уларни узокдан кўрсатишга рози бўлди, аммо яқинига боришимизга астойдил қаршилик қилди: худди фарзандларини ёт нигоҳлардан қўриётган ота сингари. Унинг айтишларча, ҳозир бу ноёб кушларнинг туҳум босиш-кўпайиш мавсуми. Уларни тинч ва хо-тиржам қўйиш лозим.

Маҳаллий аҳолининг унга “Саша ака” деб мурожаат қилиши ёқда. Аёли ва фарзанди ҳо-зир Томск шаҳрида яшайди. Оиласи, қариндош-лари унинг Россияга қайтишини хоҳлашса-да, ўзининг 35 йиллик меҳнати синган, меҳр қўйган ушбу маскани ташлаб кетишни кўзи қиймай-ди.

Қуюқ ўрмонзорда жойлашган кичкина ўр-мончилик уйида яшаб келаятган мақоламиз қаҳрамонига германиялик дўсти томонидан совға қилинган “Жек” лақабли ит доимий ҳамроҳ ва ҳамюмчи.

Александр Фединнинг ўзи эса 2023 йил яку-ни бўйича Экология, атроф-муҳитни муҳофа-за қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томони-дан “Табиат ҳимоячиси” кўйрак нишони билан тақдирланиб, эътироф этилди. Табиат ҳимоячи-сининг кўпчиликка ибрат бўлтулик заҳматли ва фидокорона фаолиятига, собитқадам қарорла-рига эса давлат ҳимоячи.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Яни Ўзбекистон” муҳбири

2024 йил – Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

МИЛЛИЙ ҒУРУР, МИЛЛИЙ ИФТИХОР – ҚУДРАТЛИ КУЧ



Шахло ҲОШИМОВА,
Истеъдодли ёшларни
қўллаб-қувватлаш
“Улуғбек” жамғармаси ходими

Дунё яралгандан буён илм уммони бит-та. Унга ҳар бир халқ вакиллари ўз улушини қўшади. Халқ эса ўзининг ана шу вакиллари билан фахрланади. Бугунги кунда жаҳонда юз бераётган жараёнлар иқтисодий, маданий ва маънавий тебранишлар баъзан инсон ақлини шошириб қўймоқда. Бундай вазият ҳар бир тафаккурли кишини тезкор фикрлашга, воқеалар ривожини таҳлил қилишга ундайди. Геосиёсий жараёнлар эса ҳар бир давлатдан ташқи сиёсий ва иқтисодий майдонда фаол бўлишни талаб қилмоқда.

Бугун Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида ўзининг айтар сўзига, ўрнига эга. Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган ишлар кўламини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, қўллаб ўзгаришларнинг гувоҳи бўламиз. Айтиш лозимки, “Янги Ўзбекистон” атамаси нафақат бизнинг тилимизда балки дунё ҳам-жамияти давлатлари дугатидан ҳам жой олди.

“...Янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига

Жорий йил давлатимиз раҳбари томонидан “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”, деб номланди. Бундан кўриниб турибдики, бу йил ҳам ёшларимиз учун кутилмаган ютуқларга бой йил бўлади. Уларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, етук инсонлар бўлиб улғайиши йўлида замонавий, илғор-инновацион шарт-шароитлар яратилади.

Инсоннинг инсонлиги унинг ақлу заковатида. Ақл ва заковатни ботиний ва зоҳирий илм билан тўлдириш учун эса ҳамма замонларда кўп вақт ва энг қиммат хизмат турлари талаб қилинган. Бу босқични мисли қўрилмаган жасорат ва заковат билан босиб ўтган шахслар юксак маънавий қиёфаси ва ажойиб фазилатлари билан бошқаларга ўхшамайди. Улар дунёда ҳамма нарсадан пулни афзал кўрувчилардан тубдан фарқ қилади.

мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.

Янги Ўзбекистон — демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэътироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланидиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатдир”, деган эди Президентимиз “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири саволларига жавоблариди.

Бугун қўшни давлатлар билан илиқ қўшничилик муносабатлари ўрнатилди. Бу борада йиллар давомида йилгили қолган муаммолар ҳал этилди. Чегаралар очилди. Савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларимиз жадал ривожланяпти. Иқтисодий соҳада ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Маъбулот ва сўз эркинлигига эришилди. Яқин-яқингача “камбағал”, “камбағаллик” деган сўзни айтишдан ўзини тортардик. Юртимизда камбағаллар бўлмагани учун эмас, балки бу сўзни айтиш мамлакатимиз сиёсатида тўғри келмагани учун айтишдан тийилардик. Аммо касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деганларидек, бор нарсани яшириб бўлмас экан. Бундан ҳукумат доираларида ҳам ҳақиқий ахлоқга борица ёндашилипти. Бундан ташқари, солиқ, божхона, иқтисодиёт, таълим ва соғлиқни сақлаш каби муҳим тармоқларда жиддий ислохотлар жараёни давом этмоқда. Буларнинг барчаси янги Ўзбекистонни бунёдга келтириш йўлидаги илк қадамлардир.

Давлатимиз нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотларда барча соҳалар қатори маънавий-маърифий масалаларга оид ташаббусларни ҳам дадил ўртага қўймоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясини қабул қилиш бўйича илгари сурилган ташаббус халқаро жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланиб, бу бўйича резолюция қабул қилинганини фахр билан таъкидлаш мумкин. Шунингдек, Президентимизнинг Туркий давлатлар ташкилоти доирасида илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларини, шунингдек, туркий дунё бирлигини ривожлантиришга

улкан ҳисса қўшган атоқли шахсларни рағбатлантиришга қаратилган яна бир муҳим ташаббуси қабул қилиниб, Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот таъсис этилди.

Бугун халқимиз буюк келажакка қатъий ишонч билан қараётган янгидан янги ғоялар, улкан мақсадлар билан яшаётган бир пайтда бизни руҳлантирадиган, фаолиятимизга куч қувват берадиган омил миллий ғурур ҳиссидир.

Миллий ғурурнинг юқори чўққиси — миллий ифтихор. Бу миллатни бирлаштирадиган, эзу мақсадлар ва буюк интилишлар атрофида жипс-



лаштирадиган туйғу. Миллий ифтихор, бу — ўтмишимиз, бугунимиз ва истибқолимизни ўзаро боғлайдиган, буюк ажодларимизнинг умуминсоний ва умумдунёвий қиёматларидан фахрланиб, уларга муносиб келажакни бунёд этишга даъват этадиган қудратли куч. Миллий ифтихор ҳиссини ҳар биримиз чуккур англамоғимиз, қалбимизнинг туб тубидан ҳис этмоғимиз, фарзандларимизни ҳам ана шундай руҳда ва ўлчовлар доирасида тарбияламоғимиз зарур.

Мамлакатимизда ёшлар масаласига давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятларга йўл очиш борасида мустақкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим замон талабларига ҳамоханг тақомиллашиб бормоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 январдаги “Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, мазкур жамғарма томонидан олиб бориладиган ишлар кўламини янада кенгайди. Жамғарма қайси соҳада бўлишидан қатъи назар, ўз олдига қўйган мақсадида эришишга интилаётган, илмий изланаётган истеъдодли ёшларга қўмаклашишга ҳаракат қилиб келмоқда ва жамиятда зиели катламнинг янада кенгайиши учун бор имкониятларни ишга солмоқда.

Истеъдодли ёшларнинг илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланиши учун қўлай



сертификат, эсдалик совғалари ва пул мукофотлари билан тақдирланди, энг муҳими, ёшлар академиясига қабул қилинди ҳамда ғояларини амалиётга жорий этиши учун уларга яқиндан ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Ҳукуматнинг 2023 йил 19 майдаги “Мирзо Улуғбек ворислари” тайёрлов ўқув курсларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, шундай курслар ташкил этилиб, 60 нафар иқтидорли талаба танлов асосида саралаб олинди. 2023-2024 ўқув йилида “Data Science” курслари йўлга қўйилди. Ўқинишга қабул қилинганларнинг 30 нафарини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жойлашган олий таълим муассасалари талабалари ташкил этгани сабабли ўқиниш Тошкент шаҳрида жойлашган олий таълим муассасаларига академик мобиллик асосида кўчирилди ва улар ётоқхоналар билан таъминланди. Талабаларга бир маҳал бепул тушлик овқат ва ойлик стипендия бериш йўлга қўйилди.

Олис ҳудудларда истиқомат қилаётган истеъдодли йигит-қизларнинг билим, кўникма ва малакасини ошириш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашга қўмаклашиш мақсадида “Мирзо Улуғбек” онлайн мактаблари ташкил этилди. Айни пайтда чекка ҳудудлардаги мактабларда берилаётган ҳамда вилоят маркази ва шаҳарлар мактабларида берилаётган таълим сифатида нисбатан фарқ кузатишмоқда. Бунинг бир нечта сабаблари бор. Соҳада юқори малакали педагог кадрларнинг, мактаб лабораториялари учун жиҳозларнинг етишмаслиги ва бошқалар шундай сабаблардир.

Мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари ва тоғли туманларидида таълим сифатини янада ошириш мақсадида Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамкорлигида “Мирзо Улуғбек” онлайн мактаблари керакли синфхоналар, замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Онлайн дарс беришни тажриба тариқасида ташкил этиш учун ҳозирда тоғли ва чекка ҳудуддаги 3 та

мактаб танлаб олинди. Булар Жиззах вилоятининг Форш туманидаги 7-умумтаълим, Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманидаги 70-умумтаълим ва Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги 62-умумтаълим мактабларидир. Ҳафтанинг ҳар чоршанба ва жума кунлари инглиз тили ва математика фанларидан тажрибали ўқитувчилар иштирокида қўшимча дарс бериш йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳага мактаблардаги кўнгилли 10- ва 11-синф ўқувчилари жалб қилинди. Бундай мактабларни юртимизнинг бошқа тоғли ва чекка ҳудудларидаги таълим муассасаларида ҳам жорий этиш режалаштирилган.

Жамғарма томонидан 2023 йилда олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар билан ҳамкорликда турли долзарб мавзулар бўйича 30 га яқин семинар ва маърузалар ташкил этилди. Бунда республиканинг барча олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар ҳамда олий таълимдан кейинги таълим йўналишида илмий изланишлар билан шуғулланаётган докторантлар онлайн иштирок этди.

Шунингдек, жамғарма қoшида ташкил этилган видео, овоз ёзиш студиясида ўтказилган маърузалар ва семинарлар бўйича видеороликлар тайёрланди ҳамда ижтимоий тармоқларга жойлаштирилди. “Истеъдодли ёшлар ва ёш тағриботчилар форуми” уюштирилди.

Жорий йил давлатимиз раҳбари томонидан “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”, деб номланди. Бундан кўриниб турибдики, бу йил ҳам ёшларимиз учун кутилмаган ютуқларга бой йил бўлади. Уларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, етук инсонлар бўлиб улғайиши йўлида замонавий, илғор-инновацион шарт-шароитлар яратилади. Зеро, юксак билимли, замонавий фйқрлайдиган, қатъий позицияга эга ёшлар мамлакатимизнинг эртанги тараққиётида ҳал қилувчи кучга айланиб борапти. Бу йўлда уларга етарли шароит яратиш, кучли рағбат ва имкониятлар эшигини очиб бериш керак, холос.

Олий таълим



Ботир УСМОНОВ,
техника фанлари доктори,
профессор

“Тьютор” сўзининг одатий маъносига ўқитувчи сифатида эмас, балки ўқувчининг фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, фактларни танлаш ва танқидий таҳлил қилиш қобилиятини шакллантиришга ёрдам берадиган мурабий сифатида қаралади. Тьютор талабанинг академик фаолияти ва шахсий ривожланишини кузатиб боради. Унинг вазифаси ўқувчиларнинг муваффақиятини, ўқинишга муносабатини, билими ва қобилиятини шакллантиришни назорат қилишдан иборат. Тьютор индивидуал дарс режасини тузишда ёрдам беради ва унга тузатишлар киритади.

Тьюторлик фаолияти талабаларга ҳаёт давомида сифатли таълим олиш учун инновацион ўқитиш муҳити, жараёни, дастурлари, лойиҳаларини яратишда ресурс сифатида зарур. Ҳозир “тьютор” тушунчасига турли маънолар берилган бўлиб, улар шахсий ва касбий ривожланишининг индивидуал таълим траекториясини қуриш учун талабалар билан ишлашда мурабийнинг маслаҳат, ташкилий ва услубий функцияларини акс эттиради. Тьютор — талабага таълим жараёнини оптимал тарзда қуришда ёрдам берадиган мурабий. Бунинг ўзига хос жиҳати шундаки, тьютор ҳар бир талаба билан индивидуал ишлайди, унинг қизқиқчилиги, имконияти ва қобилиятига эътибор қаратади.

Тадқиқотларга кўра, биринчи курс талабалари кўп жиҳатдан энг заифдир. Шунинг учун биринчи семестр энг муҳим ва масъулияти бўлиши аниқланган. Кўп йиллик кузатиш тажрибасига асосланиб, алоҳида назорат ва эътибор, ўзини ўзи назорат қилиш, ташкилотчилик

ТЬЮТОР “ЭНАГА” ЭМАС

Фикрлаш, фактларни танлаш ва танқидий таҳлил қобилиятини шакллантирадиган шахс

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва ахборий ривожланишининг ҳозирги даражаси олий таълим муассасаси битирувчисидан кўп босқичли, серқирра тайёргарлик талаб этади. Бу эса келгуси фаолиятида масъулиятли вазиятларда мустақил қарор қабул қилиш, ҳаётнинг барча соҳасида содир бўлаётган ўзгаришларга фаол мослашиш имконини беради. Ҳозир ўқувчи-талабаларга ўз ривожланишининг янада самарали йўлини қуриш имконини берадиган янги таълим стратегияларига ўтиш зарурати мавжуд. Дунёнинг қўллаб олий таълим муассасаларида фаол жорий этилаётган талабалар тьюторлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ва масъулият кўникмалари фақат иккинчи ўқув йилининг охирига келиб шаклланади. Олий таълимда ўқинишнинг бошланғич даври ижтимоий ўзгаришлар, ортирилган стереотипларни қайта кўриб чиқиш, стрессли вазиятлар, ташвиш ва ички таранглик билан боғлиқ. Шахсий мослашув янги талабалар ва олдинги тажрибага асосланган шахсининг уларга тайёргилиги ўртасидаги зиддиятга асосланади. Психологик мослашув янги экологик омиллар таъсирида руҳиятнинг ўзгариши, қайта тузилиши сифатида ишлайди.

Чет элда ўқувчи-талабаларнинг тенгдошларига тьюторлик қилиш тажрибаси мавжуд. Тьюторлик моҳиятига кўра, педагогик фаолият бўлгани сабабли ўқувчи-талабалар ўзининг мулоқот, ташкилотчилик ва ижодий қобилиятини ривожлантиради, касбий педагогик маҳоратини оширади. Педагогик ишнинг бундай тажрибаси тьюторлар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади ва уларга ўқитувчи сифатида ўз кучини си-наб кўриш имконини беради. Бундан ташқари, тарбиячи-талабанинг обрў-эътибори ва ижтимоий маъна бошқа талабаларга нисбатан ўрнатилган бўлишига интилишни кучайтиради, шахсининг ўсиши, ўзини ўзи тақомиллаштириши, тарбиялаш, ривожлантиришга хизмат қилади.

Тьюторлик талабаларнинг нафақат илмий ютуқларини бойитиш билан бирга ҳулқ-аъво-рини яхшилашда, ўқинишга ижобий муносабатни ривожлантиради. Қолаверса, ижтимоий ва ҳиссий жиҳатдан ҳам фойдали бўлиши мумкин. Дахлдорлик ва ижтимоий қабул қилиш туғйусини шакллантиради, ўзини ўзи ҳурмат қилиш ва қадрлаш ҳиссини оширади. Талабалар тьюторлигининг жорий этилиши ўрганиш ва ўқитиш

маҳоратини оширишга имкон беради (“ўрганишнинг энг яхши йўли — ўргатиш”), дўстона муҳит эса ўзинга ишонч ва жамиятга дахлдорлик ҳиссини мустаҳкамлайди.

Дунёнинг етакчи олимлари олиб борган тадқиқот натижалари талабалар тьюторлигининг самарадорлигини кўрсатди ва бу тизимдан фойдаланиш анъанавий ўқитиш усулларига нисбатан афзаллиги ишонч уйғотди. Тьютор ёрдами ижтимоий фаол, масъулиятли, мустақил, ижодкор, ташаббускор шахсни ривожлантириш учун самарали шароитни таъминлайди. Бундан ташқари, таълим жараёни иштирокчиларнинг ўзаро таъсири талабалар муваффақиятини ижтимоийлашувига ёрдам беради.

Тьюторлик амалиётининг асосий мақсади юқори маданиятга эришган тарбиялашдан иборат. Таълим жараёнининг асосий мазмунини ўқувчиларни инсонпарварлик қадрияти билан таништириш, ахлоқий ва эстетик идеални ривожлантириш, сайё-ҳаракатларини ахлоқий жиҳатдан баҳолашга, шунингдек, ҳаётий қийин вазиятларда тўғри қарор қабул қилишга ўргатишда намоён бўлади. Талаба-тарбиячининг педагогик маҳорати, ишонтира олиши, мақсадли иш олиб бориши, меҳнатининг аҳамияти ва масъулиятини англаши ўқувчиларни муваффақиятли ўқитиш ва тарбиялаш гаровидир.

Бироқ ҳар масъулиятли ва ҳушқақчақ талаба ўқитувчилик қобилиятига эга эмас ва муваффақиятли тьютор бўла олмайди. Шунинг учун ўқитувчилар талаба-тьюторларнинг ишини кузатиб бориши ва педагогик ишларни бажариш қобилиятини намоёйиш этишига қўмаклашиш керак. Натижада ҳар бир факультет



зарур билим, кўникма ва малакага эга, махсус тьюторлик тайёргарлигидан ўтган ва бошқа талабаларга индивидуал таълим траекторияларини қуришда ёрдам берадиган профессионал тьюторлар жамоасини шакллантириши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг “Республика олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридида бакалавриятнинг 1-3-босқичи доирасида ҳар 120-150 нафар талабага 1 штат бирлиги ҳисобида “тьютор” лавозимини киритиш белгиланди. 2021 йил 1 сентябрдан талабалар билан ишлаш бўйича “ғуруҳ мурабийи” институти бекор қилинган, ўрнига талаба-ёшлар билан ишловчи тьюторлик вазифаси татбиқ этилди.

Тошкент кимё-технология институтида ҳозир 30 дан зиёд тьютор маънавий-маърифий, ахлоқий-тарбиявий, ўқув-услубий ҳамда илм-фан, инновацион ва илмий тадқиқот йўналишларида фаолият юритмоқда. Жумладан, ота-оналарни талабалар ҳаёти ва таълим-тарбия жараёнидаги муаммолар билан таништириш,

мазкур камчиликларни ўрганиш, аниқлаш ва ўзаро ҳамкорлик асосида ҳал қилиш мақсадида “Ота-оналар конгресси”, “Ота-оналар билан мулоқот майдони” тадбирлари ташкил этиляпти. Шунингдек, таълим муассасасининг одоб-ахлоқ кодекси, ички тартиб-қоидалари билан таништириш, талабаларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбда мустақиллик ғояларига ҳодиклик, миллий ўзликини англаш, Ватанга муҳаббат ва тақдирга дахлдорлик, фидоийлик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш учун ахборот ҳамда мурабийлик соати дарслари юқори савияда ташкил этилиб келинмоқда.

“Талабаларнинг бўш вақти — тьюторнинг иш вақти” тамойили асосида ёшларнинг қизиқишига қараб, “Моҳир қўлар”, “Ораста қизлар”, сартарошлик, компьютер саводхонлиги тўғрақаракли очилган. Қолаверса, спорт клуби ҳам ташкил этилган. Талабаларимиз клуб қошидаги миллий кураш, волейбол, футбол тўғрақараклига қатнаб, чиникмоқда. “Спорт — саломатлик гарови”, “Жисмоний тарбия ва маданият

— замонавий талаба учун асосий мезон” шиорлари остида ўртоқлик учрашувлари ва спорт му-собақалари ташкил этиляпти.

Ҳамкор ташкилотлар билан бирга “Жаҳолатга қарши маърифат”, “Оммавий маданият”нинг ёшларга таъсири” каби маънавий-маърифий тадбирлар фарзандларимизни терроризм, сепаратизм, прозелитизм, ақидапарастлик, миссионерлик, оломон маданияти, гнѐхвандлик, уюшган жиноятчилик ва бошқа иллатларга муро-сасизлик ҳамда уларга қарши кураш руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Талабалар турар жойлари, ижара ва хусусий хонадонларда яшовчи йигит-қизларнинг яшаш манзилига мунтазам бориб, у ердаги шароитлар ўрганилмоқда. Керак бўлса, шароитларни яхшилаш бўйича институт раҳбариятига таклиф киритилипти. Турар жойида яшовчилар билан самимий, аҳил муносабатда бўлган, барча жиҳозларни намунали даражада тутган, омма-вий-маданий, спорт ва тарбиявий тадбирларда фаол иштирок этган талабалар ўртасида “Энг намунали хона” танлови ташкил этилмоқда. Ғолиблар кўчма кубок ва эсдалик совғалар билан рағбатлантирилмоқда. Ижара хонадонларда яшайдиган талабаларнинг яшаш шароити, бўш вақтида қандай машғулотлар билан машғуллиги ва муаммолари ўрганиляпти.

Тьюторлик институтини янада ривожлантириш мақсадида “Тьюторлик фаолиятини самарали ташкил этишда замонавий ёнда-шувлар”, “Олий таълим муассасаларида тьюторлар фаолиятини ташкил этишнинг долзарб масалалари” мавзуларида семинар-тренинглар ўтказилди. Уларда тьюторлик фаолиятини тақомиллаштириш, талабалар билан профилактик ишларни жадаллаштириш, талабаларни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари, ёшлар билан индивидуал ва жамо-авий ишлашнинг психологик жиҳатлари, бўш вақтнинг самарали ташкил этиш, ижарада яшов-чилар билан ишлаш каби қатор долзарб мавзу-лар илгари сурилди.

Институтда ўтказиладиган маънавият кен-гаш ийгилишларида тьюторларнинг ҳисоботи эшитилади, таҳлил қилинади. Ютуқлари эъти-роф этилиб, камчиликларини бартараф этиш бўйича керакли тавсиялар берилади. Тьюторлар фаолиятини институтда ишлаб чиқилган “Тьютор фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари” тизими орқали баҳолаб борилади. Юқори нати-жа кўрсатган тьюторлар рағбатлантириб келин-моқда.

Бу сайё-ҳаракатлардан кўзланган мақ-сад талабаларнинг нафақат мутахассис, бал-ки тўлақоли шахс сифатида шаклланишида тьюторлар ролини ва аҳамиятини оширишга қаратилган. Шунингдек, улар зиммасига буй-руқ бериш ёки чеклов ўрнатish эмас, аксинча, ёшларнинг маслаҳаттўйин, дўсти, ҳамфирқи бў-либ, кўнглига йўл топиш, муаммоларини ҳам-жиҳат ҳал этиш масъулияти юкланган.



14 февраль – Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунини

ИККИ ДАҲО ВА

БЕТИ РУБОИЙ



Абдулла ШЕР,
Ўзбекистон халқ шоири

Бошланиши 1-бетда

Аввал мазмунга эътибор қилайлик: эй, ҳаёти, умри мен учун азиз бўлган ёр, мен сени танимдаги жонимдан ҳам кўпроқ севаман, ҳаттоки бу дунёда (математикада) қанча сон энг кўп миқдор ҳисобланса, ўшандан ҳам ортиқроқ севаман. Гарчанд киши нимани қай даражада кўп севмасин, у бундай севгидан ортиқ бўлолмайди, лекин мен сени ўшандан ҳам, сон-саноклар қамраб ололмайдиган миқдордан-да ортиқроқ севаман.

Кўриб турибсизки, мазмун гўзаллиги рубойидаги даҳо шоирга хос мулолага усули тўғрисида шундай юксак даражага кўтарилгани, бу гўзаллик олдида диди юксак ҳар бир китобхоннинг беҳиштер “воҳ!” деб юбориши табиий ҳол.

Энди рубойининг шаклига назар ташлайлик. Асар йиғирма етти сўздан иборат ва унинг фақат тўққизтасигина лисоний асос, қолганлари эса радий. Жўналиш келишиги қўшимчасини олган учта бир ҳижоли сўз қофия: жон, сон, он. Радиф эса жўналиш келишигида уч бор такрорланадиган олти сўздан ташкил топган. Шундай қилиб, ўн иккита асосий сўз йиғирма етти сўздан иборат рубойини қуёшни кўтарган осмондек енгил ва табиий кўтариб турибди.

Бу рубойида ҳазрат Навоий риторик такрордан қандай миқёсди ва самарали фойдаланиш мумкинлигини кашфиёт даражасига кўтарган ҳолда намоеён қилади. Бундай юксак маҳорат қамдан-қам ижодкорга насиб этади. Бобур ҳазратлари ҳам ана шундай ноёб истеъдод эгаларидан эди. Унинг қуйидаги рубойиси буни яққол исботлаб беради:

Туз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,
Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,
Сарриштаи айидин кўнгулни зинҳор
Ўз, оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Энди рубойининг мазмунини ўзим тушушган шаклда тақдим этаман: “Эй Заҳириддин Муҳаммад Бобур, фарёд кўтар, оҳиндан дастурхон туз, у дастурхонга юзта оҳни қўй, шу боис, яна бир оҳ кўтар-да, айш-ишратга, ўткинчи қувончларга изн бермаслик учун кўнглингни айш чивиридан узиб яша!”.

Нима учун шундай? Бу саволга жавобни ке-йинроққа қўяйлик-да, ҳозир Бобур рубойисининг шаклий гўзаллиги хусусида фикр юри-тайлик. Бу асарда ҳам Навоий рубойиси каби қофияни бир бўйин-ли сўз ташкил этади, ҳатто келишиш қўшимчаси йўқ, фақат сўзнинг ўзи: “туз”, “юз”, “ёз”. Шундай қилиб, рубойидаги йиғирма иккита сўздан еттитаси асосий сўзлар, ўн бештаси радийф. Навоий олти ўзак сўз ва бир келишиш қўшимчасидан рубойи яратган бўлса, Бобур етти ўзак сўздан иборат худди шундай гўзал рубойини бизга тақдим этади.

Бундай қараганда, Бобур рубойисиди Навоийга тақлид бордек кўринади. Бироқ бу алдамчи таассурот. Жилдий эътибор қилинса, ҳар икки рубойи фақат шаклан ўх-шашликка эгаллигини, лекин мазмунда кескин фарқ борли-



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 484.
9800 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоסי келишилган нархда.

“Колограк” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манлили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефон: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳих: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 23:15 Топширилди — 00:05



Адабиёт шундай ҳодиса-ки, у миллий илдишлар асосида равнақ топади, чегара ҳатлаб чиқаркан, услубларида, ғоявий қарашларида, умуминсоний ва бошқа қадриятлар таснифида интеграциялашувни кузатиш мумкин. У санъатнинг бир тури сифатида миллат, элат танламай, инсониятнинг қалбини бойитиш, уни чархлаш ва тарбиялашга ҳисса қўшиб келаверади. Шунингдек, адабиёт ўз илдиздан узилиб кета олмайди.

Шаҳло АХРОРОВА,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази ҳузуридаги
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти катта
илмий ходими, фалсафа фанлари
бўйича фалсафа доктори

учун уни осонлаштириш ва соддалаштириш борасида “Хатти Бобурий” рисоласини битди. Ўзи яратган мана шу имлода битган шеърларини фарзандларига жўнатган ва бошқа асарлар ҳам битган. Чунончи, тажриба сифатида ўзи яратган алифбода Қуръони каримни ҳам кўчирган. Ўзбек тилида бир қатор бадийи ва илмий асарлар яратиб, тил назарияси соҳасига муносиб ҳисса қўшган.

Бобур ўз асарларида ҳам миллий ҳикматлар, мақол-лардан моҳирона фойдаланади ва уларни кечмиш воқеа-ларга таъбир этади. Шундай мақол ва ҳикматлардан

“ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛМАГАН БИР БЎЛАК ИП-У,
СИНИҚ ИГНА ҲАМ ҚОЛМАДИ”

ИНТИЗОМ ВА АДОЛАТ БИЛАН МИЛЛИЙ
ҚАДРИЯТЛАРНИ МАДХ ЭТГАН САРКАРДА



“Душман не демас, тушга не кирмас”, “Қопудагини қопмаса, қаригунча қайғурур”, “Инонағил дўстинга, сомон тикур пўстинга”, “Кўзларини туз тутди”, “Ўзи гуноҳдан ёмонроқ” қабиларни келтириш мумкин. Бу мақолларнинг ижтимоий аҳамияти душманлик хусуси-да сўз юритилиб, воқеаларнинг моҳиятини ёритиш мо-байнида очиб берилади.

Қолаверса, Бобурда миллий характер, чунончи, обо-дончилик, хайрия, саховат ишларига мойиллик кучли эди. У кўпгина жаҳонгирлардан фарқи ўлароқ, худ-ди Темур бобоси каби ўзи эгаллаган юртларни обод қилади. Мирзо Муҳаммаднинг келтиришича, “Анинг нисбати Умар Шайх Кўрагон ибн Султон Абу Сайд Кўрагон ибн Султон Муҳаммад Мирзо ибн Мироншоҳ Мирзо ибн Амир Темур Кўрагондур”. Чунончи, Амир Темур Самарқанд ва унинг атрофида Боғи Баланд, Боғи Беҳишт, Боғи Давлатобод, Боғи Дилқушо, Боғи Жаҳон-намо, Боғи Майдон, Боғи Нав, Боғи Чинор, Боғи шамол каби боғларни бунёд этган бўлса, Бобур Қобулни эгал-лагач, у ерда Боғи Шаҳраро, Боғи Жаҳонаро, Ўртабоғ, Боғи Вафо, Боғи Бобур қабиларни барпо этади.

Шунингдек, Қобулда Амир Темурнинг яна бир авло-ди Улуғбек бунёд этган Боғи Наврўзий ҳам бўлганини эътироф этиш лозим. Бобурнинг онаси Кутлуг Нигор-

Ҳар бир санъат асари, жумладан, санъатнинг нафис турларидан бири бўлиши адабий маҳсулот ҳам маълум бир қарашлар, муносабатлар ва ўзинга хос ғояни ифода этади. Адабий асар муаллифи ўз асарида ғоявий қарашларини бадийлаштиради. Бу ғоявий қарашлар эса ўз-ўзидан шаклланиб қолмаган, балки ўз миллий илди-зларига эга. Кўпгина бундай илдиш топган ғоялар мил-лий қадрият даражасига кўтарилади.

Дунё илм-фанига тамал тошн қўйган, қўллаб фан-ларга, ғояларга, адабиёт, санъатда эса ўзинга хос йўна-дишларга асос солган буюк аждодларимиз, хусусан, Биринчи ҳамда Иккинчи Ренессанс даври етакчилари саналимиш бобокалонларимиз ижоди ва фаолиятида мана шундай миллий асосларнинг қадрият сифатидаги узвийлигини кузатамиз.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг асарлари ҳам гар-чи, у жаҳонгир сифатида танилиб, ўзга юртларда яша-ган бўлса-да, ўз аждодларига хос миллий асосларини йўқотмаган, деб айта оламиз. Бундай асосларни унинг ижодида ҳам, фотиҳлик ва подшоҳлик фаолиятида ҳам кўришимиз мумкин.

Маълумки, ҳар бир миллатнинг тили — унинг учун энг буюк миллий қадрият саналади. Бу қадрият миллат-нинг ўзлигини англаш, ўз илдишларини йўқотмасдан, улардан маънавий озиқланиб туриш, қолаверса, ҳамма замонларда ҳам жаҳон саҳнида ўз ўрнига эга бўлиши-га қўмаклашувчи асосий воситалардан биридир. Шу боис, мустабид мамлакатлар ўз мустамлакасига ол-ган юртларни бир қанча маънавий илдишлари, миллий қадриятлари қаторида миллий тилидан, ёзувидан ҳам мосуво қилишга уриниб келади. Бунга ўз мозиимизга назар ташлаб, Искандар Мақдуний истилоси, араблар босқини, руслар мустамлакаси даври мисоллида кўрсак бўлади. Шу маънода, бобокалонларимизнинг туркий тили (ҳозирги ўзбек ва шунга яқин тилларни) асраш, ривожлантириш, бадийи асарлар орқали унинг имкони-ятларини очиб беришга қўшган улкан ҳиссаси — мил-лий илдишларни мустақамлашга бўлган ғоят аҳамият-ли ишлардан саналади. Хусусан, Алишер Навоийнинг туркий тилда битган ғазаллари, айниқса, “Хамса” асари бу борада муҳим ўрин тутди. Ҳазрат Навоийгача ҳам туркийда ижод қилган шоирлар бўлган, албатта. Бироқ “Хамса”дек буюк асарнинг туркий тилда яратилиши том маънода буюк ҳодиса саналади. Алишер Навоийдан кейин туркий тилда қўллаб асарлар битили бошланди.

Уларнинг орасида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди алоҳида салмоққа эга. “Туркий шеърни Амир Алишердан кейин ҳеч ким Бобур ёзган даражада ёзган эмас. Туркий тилда бениҳоя нафис девони бор. “Му-баййин” номли шеърый асар ёзган бўлиб, фикрча оид бағоят фойдали бу рисола одамларга мақбулдир. Туркий арузга оид асар битган бўлиб, ҳеч ким унганча туркий аруз ҳақида бу қадар аниқ ёзолмаган”, деган эди улуг муаррих Мирзо Муҳаммад Ҳайдар “Тарихи Рашидий” асарида.

Дарҳақиқат, “Вақоъеъ” (“Бобурнома”) асари ҳам тур-кий тилда битилган. Бобур асарлари туркийда бўлиши билан бирга, тили содда ва раволиғи билан ҳам аҳами-ятга молиқдир. Бобурнинг она тилига ғамхўрлик бора-сида қилган яна бир улкан иши шундан иборатки, у араб алифбосини туркий тил талаффузига мослаштириш



Ҳаким Йўлдошев олган суратлар.

хоним айнан мана шу боққа дафн этилган. Бобур Ҳин-дистонда ҳам жуда кўп бунёдкорлик ишларини олиб бorgan. Парокандалик, тарқоқликларга, ички низоларга барҳам бериб, элни бирилаштиришга кучли ўрин тутган саркор сифатида Ҳиндистон тарихида қолган. Мамла-катда қўлигул хунармандлар ва тадбиркор кишилар етарли, аммо ижодкорлик ҳамда кашфиётчилик руҳи мискин эди.

Бобур Мирзонинг буюклиги яна шундаки, у бир вақтингича ўзида саркарда ва подшоҳликка монанд жасо-рат, қаттиққўллик, кези келганда, бешафқатликни санъ-атга мойил, дилбар, адолатли, меҳрибон ва кечирувчан фазилятларга уйғунлаштира олган. Хусусан, у маҳв этган Иброҳим Лўдийнинг онаси малика Байда ошпаз-лар билан тил бириктирган ҳолда уни заҳарлаган ва ке-йинчалик унинг мунгтазм бетобланишига сабаб бўлган бўлса-да, Бобурнинг бу суиқасдини кечирishi — унинг улкан матонат соҳиби ва буюк қалб эгаси бўлганидан далолат беради. Бироқ у адолатпешаликни бобоси Амир Темурдан мерос қилиб олган ва бу тамойилни бобоси каби миллий қадрият даражасига кўтарганди. Қолавер-са, кечиримлилик — миллатимизга хос хусусиятлардан бири саналади.

Амир Темур “Куч — адолатдадир” ғоясини миллий ғоя даражасига кўтарган бўлса, Бобур ушбу тамойил-ни ўзи учун дастуруламал қилган ҳолда, миллий қад-рият даражасига олиб чиқа олди. У ўз асарида бобоси

бўлак ип-у, синиқ игна ҳам қолмади”, дейди Бобур. У ана шундай интизом ва адолат асосида иш юритган. Бу ғоя мутафаккирнинг асарларида ҳам акс этган. Масалан:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир,
Яхши киши кўрмаган ёмонлик ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазао топқусидир.

Шунингдек, қаерда бўлмасин, юрт қайғуси у билан бирга эди. Бу ҳасрати ҳам унинг асарларида сўз айтилди: *Ноумид бўлдум, эй Мўғул, сендин, То зийштимики, Андижон бордин. Айтгон сўзга келдим, аммо, сен Яхши келдинг демай, ямон бордин.*

Бобур ижоди улкан маънавият мактабидир. Бу мак-таб бизга маърифатпарварликдан ҳам (Ким ёр анга, илм толиби илм керак, Урағнали илм толиби илм ке-рак. Мен толиби илму толиби илме йўқ, Мен бор мен илм толиби илм керак), ватанпарварликдан ҳам (Толёе йўқи жонимга балогил бўлди, Ҳар ишники айладим, ха-толог бўлди. Ўз ерни кўюб, Ҳинд сори юзландим, Ераб, нетайин, не юз қаролик бўлди), инсонпарварликдан ҳам, миллий қадриятлардан ҳам сабоқ беради. Бобурнинг на-фақат илмий ва бадийи асарлари, балки ҳар бир фаоли-яти маънавий қирраларини ўрганиш борасида олимлар олдида ҳали вазифа кўп.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР
QR-KODNI СКАНЕР ҚИЛИНГ.